



УМИДА СОЛИХ: ОНАМ ХАҚ ДЕБ БИЛГАН ЯГОНА ЙЎЛ ЯГОНА ХАҚҚА ЙЎЛ ЭДИ

Яқинда Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ҳақиқа Ойдин Солиҳнинг “Ҳақиқий тиббиёт (Йўқотилган шифо изидан)” китоби рус тилида босмадан чиқди. Ойдин Солиҳ 1943 йили Луганскда туғилган. Отаси поляк, онаси эса украин миллатига мансуб эди. Ўзбек шоири ва сиёсатчиси Муҳаммад Солиҳга (у Ўзбекистоннинг мутаваффо президенти Ислом Каримовнинг асосий рақиби бўлган) турмушга чиққанидан кейин Ойдин хоним Ислом динини қабул қилган.

Ойдин Солиҳ биолог олима, юкори малакали шифокор бўлган. У узоқ йиллар муқобил тиббиёт соҳасида тадқиқотлар олиб борган. Ҳақиманинг “Ҳақиқий тиббиёт (Йўқотилган шифо изидан)” китоби даставвал турк тилида Истанбулда нашр қилинган. Бу асар қисқа вақт ичида бестселлерга айланди, китоб қайта-қайта чоп этилиб, дунёдаги бошқа тилларга таржима қилинмоқда. Ойдин хоним ҳузурига келган беморлар орасида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган таниқли сиёсатчилар ва жамоат арбобларини учратиш мумкин эди.

“Ҳақиқий тиббиёт”нинг

оригиналлиги нимада эди?” деган саволга қисқа қилиб шундай жавоб бериш мумкин: Ойдин Солиҳнинг китоби инсон сихатига оид илмнинг уч йўналиши бирлашмаси, синтезидир. Булар – 1. Тибби набавий (Пайғамбарлар тибби); 2. Ибн Сино тибби; 3. Халқ табобати.

Китобда муаллиф тибб илмини очик-ошкор, яширмай-нетмай Ислом дини, Яратганнинг қонунлари билан боғлаган, Ибн Сино ва халқ табобатининг ҳам фақат Қуръони карим ва Пайғамбар (саллоллоху алайҳи васаллам) ҳадисларига мувофиқ келган нукталарини топиб, уларни уйғунлаштирган. Қуръони каримни ўрганишга чуқур киришиш ортидан Ойдин Солиҳга муҳим кашфлар юз очди.

“Бугунги ихтиролар фониди 14 аср аввал Аллоху Таоло тарафидан индирилган Қуръони Каримнинг азамати инсонни ҳайратга солади. Биологиядан хабарим бўлмасайди, балки бу муқаддас Китобнинг ҳар сатри бир мўъжизадан иборат эканлигини кўраолмасдим. “Нисо” сураси 119-120-оятларида берилган билги ўша мўъжизалардан бири эканлигини кўришни насиб этди.

Бу оятлар қаршисида худди

икки денгиз сувининг бир-бирига қоришмай турганини кашф қилган, сўнгра бунинг 14 аср аввал мусулмонларнинг муқаддас Китобида айтилганини кўриб, боши саждага келган капитан Кусто каби лол қотдим: “(Шайтон), Уларни йўлдан ураман, беҳуда гумон ва хомхаёлларга мубтало қиламан, уларга ҳайвонларнинг қулоқларини ёришни, Аллохнинг яратганларини ўзгартиришни буюраман, (деди). Ким Аллохни ташлаб, шайтонни дўст тутса, албатта муқаррар зиён кўради. (Шайтон) уларга ваъдалар беради, хомхаёлларга мубтало қилади. Ҳолбуки, шайтоннинг ваъдалари алдовдан бошқа нарса эмас”. (“Нисо” сураси 119-120)”, дея ёзган эди Ойдин Солиҳ ўзининг “Ҳақиқий тиббиёт” китобида.

Бу оятларда GMO, ген муҳандислиги ва мазкур ваъдаларга оид батаф-сил ва аниқ маълумот берилган. Оятдаги “Ҳайвонларнинг қулоқларини ёрадилар”, ибораси нимани англишиши бугун равшан кўрилмоқда: гене-тик изланишлар ва мутацияларни кузатиш учун ўтказилган тадқиқотлар учун зарур бўлган тўқима ҳайвонларнинг қулоқларини ёриб ёки игна билан сўриб олинмоқда. Чунки ҳайвонларнинг бутун вужуди қиллар, туклар ёки юнг билан қопланган. Фақатгина қулоқларининг ичи очик, тадқиқот ишларини ўтказиш учун қулай.

“Тасдиқловчи оят ва ҳадис тополмасам, кашфни қўлламадим”, деганди яна Ойдин хоним Би-Би-Сига берган интервьюларидан бирида.

1993 йили расмийлар таъкиб-таъйиғи туфайли Солиҳ оиласи Ўзбекистонни тарк этишга мажбур бўлди.

Муҳаммад ва Ойдин Солиҳларнинг ягона қизи Умида Солиҳ Озодликка берган суҳбатиди онаси, “Ҳақиқий тиббиёт (Йўқотилган шифо изидан)” китобининг пайдо бўлиш тарихи, Ойдин Солиҳнинг Тошкентдаги ва муҳожиротдаги ҳаётидан баҳс этади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Китобнинг таълиф этилиш тарихи

Озодлик: Умидахон, яқинда Ойдин Солиҳнинг “Ҳақиқий тиббиёт (Йўқотилганшифоизидан)” китобини рус тилида босмадан чиқди. Китоб аввалида ойингиз унинг тартибга келтирилишида бевосита иштирок этган кишиларга миннатдорчилик билдиради ва улар орасида Сизнинг исмингизни ҳам келтиради. Бу китобнинг пайдо бўлишида сизнинг иштирокингиз нимадан иборат бўлган?

Умида Солиҳ: Даставвал мен оймга таржимон ўлароқ ёрдам бера бошладим. Ойим матнларни рус тилида ёзарди, у туркча гапира олса-да, бу тилда ёзолмасди. Шунинг учун мен унинг барча мақола ва материалларини турк тилига таржима қилганман. Яъни, аввал-бошда ишни таржимон ўлароқ бошлаганман, кейин эса оймга маълумотлар тўплашда кўмаклашганман, бирга фактларни муҳокама қилардик, хулосаларни ёзардик. Аммо асосий ишим таржимонлик бўлган.

Озодлик: Китоб таълиф этиш ғояси қаердан пайдо бўлди? Аввалроқ мен Ойдин Солиҳ одамларни даволаб юргани, кунларнинг бирида кимдир унга: “Ойдин хоним, даволаш усулингиз ҳақида китоб ёзсангиз бўлмайдими?” деганини эшитгандим.

Умида Солиҳ: Ойимнинг кўплаб шогирдлари, Туркиянинг барча шаҳарларидан келган беморлари бор эди. Табиийки, барча маълумотни у оғзаки тарзда – йиғинларда, маърузаларда одамларга етказишига тўғри келарди. Ойим бирор мавзуда гапира бошласа, шогирдлари ва беморлари бу гапларни ёзиб олардилар. Вақт ўтиши билан улар бу ёзувлардан нусха кўчириб, бир-бирларига тарқата бошладилар. Ойим анчадан бери китоб ёзиш ҳақида ўйлаб юрарди. Аммо бу ғоя Туркияда одамлар унинг ўғитлари битилган саҳифаларни сота бошлаганидан кейин пишиб етилди ва ойм китоб ёзишга қарор қилди.

Озодлик: Ойдин хонимнинг илк китоби турк тилида босилди, шунақами?

Умида Солиҳ: Ҳа. Бу, адашмасам, 2005-2006 йиллар эди, ўша пайтларда у Туркияда яшарди. Айнан ўша пайтда у турк тилидаги



китоб устида ишлаб бошлаган.

Характеридаги асосий хусусият: ҳеч қачон ҳеч нарсадан шикоят қилмаслик

Озодлик: Отангиз - муҳолиф қарашдаги сиёсатчи Муҳаммад Солиҳнинг сиёсий фаолияти туфайли оилангиз ҳаётининг катта қисми муҳожиротда кечди. Китоб ҳижратда ёзилди. Табиийки, бундай шароитда одам катта қийинчиликларга дуч келади. Бунақа пайтларда ойингиз ўзларини қанақа тутардилар? Ҳеч тақдирдан нолиганмилар?

Умида Солиҳ: Биласизми, оймнинг хислатларидан энг кўп эслайдиганим шу – умри мобайнида унинг бирор марта бўлсин бир нарсадан шикоят қилганини хотирлаёлмайман. У умрининг ҳар онидан рози эди. Гарчи, биласиз, унинг ҳаёти оғир бўлган. Аммо мен кизи ўлароқ унинг ўз тақдирдан шикоят қилганини ҳечам эслолмайман. Фақат бир воқеани эсламан, бу 2004 йил баҳорида бўлганди. Ойим отам билан Германияда яшарди, мен эса Туркияда эдим.

Ўшанда уларнинг зиёратига бордим. Борганимда жуда ҳайрон қолдим. Улар ярми бузилган эски немис уйининг иккинчи қаватида яшаётган эканлар. У ерда чоғроқ икки хона бор эди, аммо ичкараси илиқ ва шинам эди. Ойим қаерга бормасин, ҳамма жойни саранжом-саришта қилиб, қулай шароит яратиб олишга ҳаракат қиларди. Аммо ўша ердаги бир ҳолатни унутолмайман – ошхонага кириб, жавонни очсам, бор-йўғи тўртта ликоп, тўртта финжон, тўрттадан қошиқ ва санчқи турибди. Ажабланиб, “Ойи, нега тўрттагина ликоп билансизлар?”

деб сўрадим. Ойим юзимга меҳр билан қараб: “Биби (у мени “Биби” деб чақирарди), биласанми, мен жуда чарчадим. Муттасил кўчиб юришдан чарчадим. Бир ерга келиб, эндигина кўниқиб, ҳамма нарсани жойлаб турсанг, яна ҳамма нарсани ташлаб кетишга тўғри келади, шунинг учун мен навбатдаги кўчишни кутиб, ҳеч нарса харид қилмай кўйдим”, деди. Бу менинг хотирамда қолган ягона воқеа. Ўшанда ҳам у шикоят қилмаганди, шунчаки чарчаганини айтганди. Ўлимидан бир йил олдин унинг ҳамма нарса бор эди: уйи, атиргуллар тўла гўзал боғи (ойим атиргулларни жуда яхши кўрарди ва ўз кўли билан ўтказганди), оиласи, набиралари. Ойим қасал бўлиб ётганларида, ичимда: “Ниҳоят ойм орзу қилган нарсаларнинг ҳаммаси бор, шундай бир пайтда кетишига тўғри келяпти”, деб ўйладим. Ўшанда ҳам у бирор марта бўлсин тақдирдан нолиган эмас. У ял-ял ёниб ётган кўйи “Ҳақиқий мусулмон аёллардай ўлим топсам, нақадар гўзал бўларди”, дея орзу қиларди.

Озодлик: Оилангиз Ўзбекистонни тарк этишга мажбур бўлганидан кейин ойингиз қанча йил ҳижратда яшадилар?

Умида Солиҳ: Биз 1993 йили кетдик. У 21 йил муҳожиротда яшади.

Озодлик: Ойингиз айнан Туркияда неча йил хотиржам яшай олдилар?

Умида Солиҳ: Ота-онам Туркияда 2005 йили қайтишди, ўшандан бери отам шу мамлакатда яшаяптилар. Она бу ерда бор-йўғи 10 йил хотиржам яшай олдилар.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Хаётдаги асосий вазифа

Озодлик: Умидахон, ҳозир Сиз Германияда ота-онангиз яшаган яримта уй ҳақида гапириб бердингиз. Одамлар баъзан сиёсатчи Муҳаммад Солихнинг пули кўп, деб гапиришарди. Ота-онангизнинг Туркияда тушган суратларини кўрган кишиларнинг кўпи “Ойдин Солих доим тўкин-сочинликда яшаган”, деб ўйлаган. Аслида ҳам шундайми?

Умида Солих: Охирги ўн йил Туркияда ойим ғайрат билан ишлади. Умрининг сўнгида у пул топди. Ниҳоят у қандай хоҳласа, шундай яшай оларди. Аммо тўкин-сочин турмуш учун пули етарли бўлган пайтда ҳам ойим дабдабали ҳаёт кечирган эмас. Шогирдларининг ҳаммаси уни шу ҳолда эслади. У битта кийимни кийиб юриверарди, бир вақтнинг ўзиде беш сидра либоси ҳеч қачон бўлган эмас. Иккита, нари борса учта бўлиши мумкин эди. Унинг машҳур фирмага оид битта кичкинагина жигарранг сумкачаси бўларди, мен уни 1997 йили ўзим учун сотиб олган, кейин эса ойимга совға қилгандим. Ойим умрининг охиригача шу эскириб кетган сумкачани тутиб юрди. Бир куни шогирдлари: “Ойдин хоним, келинг, биз буни устага бериб келайлик”, дейишиб, таъмирлатиб келишибди. У узун йиллар шу сумкани кўтариб юрди ва бошқа сумка сотиб олмади. Умрининг охирида етарли сармоёга эга бўлган пайтда унга: “Ойи, дўконга бориб, Сизга худди шунақа, аммо янги сумка олайлик”, дедим. Ўша пайтда у ҳолсизланиб қолганди. Менга қараб, “Бибиша, нима кераги бор? Менга шунинг ўзи ҳам етади”, деди. Шу билан оламдан ўтиб кетди. Ойим шунақа одам эдики, айтиб, адоғига етолмайман.

Озодлик: Тошкентда яшаган пайтларида ҳам ойингиз шунақа эдиларми?

Умида Солих: Ҳа, у доим шундай эди. Ойим ҳар доим жуда камтар инсон бўлган. Аммо Тошкентда унинг бошқа ташвишлари бор эди. Ойим доим оқила бўлган, аммо унинг бу ердаги миссияси бошқа эди. Биз ҳеч қачон асъасою дабдаба билан ҳаёт кечирмаганмиз. Ота-онам қариганларида осуда ва яхши турмуш кечири бошлагандилар, бироқ оиламиз, баъзи одамлар айтганларидек, ҳеч қачон бой-бадавлат яшаган эмас. Айтиш

лозимки, ойим жуда кўп ишларди. Сўнги ўн йил мобайнида у уйдан эрталаб соат 8 да чиқиб кетиб, окшомги соат 7 да қайтарди. У 70 га кириб қолганди. Отам баъзан: “У ҳали ҳам ишляпти, у ёқдан-бу ёққа чопиб юрибди, қачонгача шунақа килади, ахир ҳориб-чарчайди-ку”, дея шикоят қилиб қоларди. Бир куни у менинг олдимга қаҳва ичгани келганида, мен: “Ойи, нега бунақа кўп ишляпсиз? Ахир ёшингиз улуг бўлиб қолди. Озрок дам олишингиз керак-ку”, дедим. Ўша пайтдаёқ у ҳолсизлана бошлаганди, дам олиши керак эди. Ўшанда ойим менга: “Ишласам, ўзимни яхши сезаман. Одамларга ёрдам бераётган пайтимда ўзимни тўлақонли одамдек ҳис қиламан. Мен қилаётган иш бутун ҳаётимдаги асосий вазифамдир”, дедим. Ойим охирги кучи қолгунча ишлади.

Озодлик: Умидахон, “Ҳақиқий тиббиёт (Йўқотилган шифо изидан)” китоби кейинчалик ўзбек тилига таржима қилинди. Ўзбекистонликларнинг кўпи бу китоб билан қизиқиб қолишди, кўпчилик китоб билан хорижда танишди, аммо яна кўпчилик уни Ўзбекистонга олиб киришга қўрқарди, айримлар яшириб олиб кириб кетишди. Бунинг сабаби отангизнинг сиёсий фаолияти билан боғлиқ. Айтингчи, бу ҳол Ойдин хонимга қандай таъсир қилган. Ўзбекистондаги сиёсий режим туфайли одамлар унинг сиёсатга мутлақо алоқаси бўлмаган китоби билан танишолмаётганидан ойингиз ҳеч изтиробга тушганмилар?

Умида Солих: Ойим жуда диндор аёл бўлганлар. Бунақа ҳолатларни ўта босиқли, хотиржамлик билан қабул қилардилар. У Оллоҳнинг иродасига ва тақдирга астойдил ишонарди. У ўз китоби мамлакатимизга, Парвардигор қачон истаса, айнан ўша пайтда кириб боришига шубҳа қилмасди. Яъни, у бу ҳақда ҳеч қачон қайғурган эмас. Нимадандир хафа бўлиш ёки нимадандир қаттиқ изтиробга тушиш унинг ҳаёлига ҳам келмасди. Қизи сифатида ойим энг кўп ўз фарзандлари – мен ва укам Темура учун ташвиш чекарди, деб ўйлайман.

Китобга қарши чиққанлар

Озодлик: Туркияда “Ҳақиқий тиббиёт” китоби қандай кутиб олинди?

Умида Солих: Китоб чиқмасидан

аввал ҳам бу ерда ойимнинг мухлислари кўп эди. Ойим олдин ҳам табиб сифатида машҳур эдилар. Табиийки, ихлосмандларнинг бу китобдан бошлари кўкка етган. Аммо, биласизми, исломий тиббиётга ва умуман Исломга шубҳа билан қарайдиганлар ҳам кам эмас. Нафсиларини айтганда, бу китоб қарийб бутунлигича Ислом ҳақида, яъни мусулмон одамнинг турмуш тарзи ҳақида-ку. Ўз китобида ойим ҳақиқий мусулмон қандай ҳаёт кечирishi лозимлигини баён этган. Шу билан бирга, бу китоб саломатлик ҳақида ҳамдир. Бу китоб қандай яшаш ва қай йўсинда соғлом бўлиш, бунинг мусулмон киши учун нақадар муҳимлиги ва у ўз соғлиги учун не қадар масъул экани ҳақидадир. Аммо Туркияда ҳам бу китобга қарши чиққан одамлар кўп бўлди. Биринчи навбатда, у Ислом динини асос олгани учун, иккинчидан, замонвий медицинага қарши бўлгани учун.

Озодлик: Туркияда бу китобга шифокорлар қарши чиқдими?

Умида Солих: Шифокорлар қаттиқ қаршилик кўрсатди, деб айтолмайман. Ўша пайтда бу кенг қўламда ёйилган эмасди. Ҳозир эса Туркияда муқобил тиббиёт аввалда бўлгани каби биқик-бўғиқ ҳолатда эмас. Бу китобга қарши қатъий норозилик бўлганини эслолмайман. Аммо китобда ёзилганлар замонвий тиббиётга оид тушунчаларга тамоман зид келарди.

Исломга дохил бўлиш

Озодлик: “Ҳақиқий тиббиёт (Йўқотилган шифо изидан)” китобида Ойдин Солих баъзи хасталикларни даволаш усулини Тошкентда яшаган пайтдаёқ кашф этгани ҳақида ёзганлар. Масалан, у киши айрим касалликларни даволашда буғдой нишларининг фойдаси ҳақида баён қилардилар. Ойингиз Ўзбекистонни тез-тез эслаб турармидилар? Бу мамлакат ҳақида эслагандарида, нималарни гапирардилар? Ўзбекистон у киши учун ватанмиди ёки шунчаки ҳаётининг бир даври ўтган бир мамлакатмиди?

Умида Солих: Ўзбекистонда ҳаётимиз, айниқса, сўнги йилларимиз қандай кечгани ўзингизга маълум. Аввало, ойим Ўзбекистонни жуда яхши кўрарди. Биз ватанимизни тез-тез эслаб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

турардик, тоғларга қилган сайру саёхатларимизни эслардик. Ойим тоққа чиқиб, доривор гиёҳ теришни жуда севарди. Умуман олганда, Ўзбекистонни у доим илиқ таассурот билан эсларди. Аммо ойим учун энг унутилмаси - у ерда таниган илк мусулмонлардир. Бу бир ўзбек оиласи эди. Ёз кунларининг бирида отам мен ва укам Темурни Куръони каримни ўрганишимиз учун уларнинг ёнига юборди. Биз уларнинг уйида 2-3 ойча яшадик. Аввал-бошда бу мен учун ҳақиқий азоб-укубат бўлиб кўринди. Ўша пайтларда мен 9-10 ёшларда эдим, укам эса янаям кичкина эди. Мен учун бегона оилага бориб яшаш жуда қийин бўлган. Биласизми, ўша пайтда бунақа ишлар яширин қилинарди, чунки тақиқ бор эди. Лекин у ерда озроқ яшагач, уйга қайтгим келмай қолди. Мен бу одамларни шу қадар яхши кўриб қолгандим. Бу одамлар бошқаларга ҳеч ўхшашмас эдилар. Улар шунақа мусулмонлар эдики, уларга қараган кишининг мусулмон бўлгиси келарди. Улар кунига беш маҳал намоз ўқиб кўйиш билан кифояланадиган мусулмонлардан эмасдилар. Уларнинг қандай яшаётганларини кўриб, бир-бирлари билан қандай муомала қилаётганлари, бир-бирларини нақадар севишлари, болаларни қандай яхши кўришлари, иймон-этиқодларини кўриб, завқ олардингиз. Биз ойим билан уларни тез-тез эслаб турардик. Бу покиза инсонлар ҳали-ҳамон ёдимда. Бу одамлар ойимнинг ҳаётидаги Исломни ўрганиш йўлида катта роль ўйнади, деб ўйлайман.

Озодлик: Ўзингизнинг Ўзбекистон ҳақидаги хотираларингиз қандай?

Умида Солиҳ: Туркияга келганимиз илк чоғлар мен учун жуда оғриқли ва қийин дамлар эди. Чунки у пайтда эндигина 17 ёшга киргандим. Бутун болалигим Ўзбекистонда ўтганди. Дастлабки икки йил жуда қийин кечди. Қийин бўлганига сабаб – ўз мамлакатим билан ҳечам алоқа боғлолмадим. Дугоналарим, танишларимдан бирига кўнғироқ қилсам, улар мен билан гаплашишни исташмасди ёки овозимни эшитибок гўшакни улоқтиришарди. Биласизми, бу мен учун жуда катта зарба эди. Дастлабки икки йилни мен йиғлаб ўтказдим. Учинчи йилга келганда турк тилини ўрганишим

ва университетга киришимга тўғри келди. Университетга кирганимдан кейин ҳаммаси ўтдикетди. Ҳозир Ўзбекистондаги ҳаётим билан боғлиқ узук-юлуқ хотираларим бор. Барибир юрт ўзига тортиб туради, дейишади-ку. Фарзандларим қачондир бориб, юртимни кўришларини, халким қанақа яшаётганини, ўзбеклар ким эканини ва Ўзбекистоннинг қандай мамлакат эканини билишларини жуда истардим. Иншаоллоҳ, бир кун келиб мен, турмуш ўртоғим ва фарзандларим Тошкентга боришимизга ишонаман. Биз буни жуда хоҳлаймиз. Аммо менинг Ўзбекистон билан боғлиқ хотираларим анча изтиробли. Чунки мен Тошкентга жуда боғлангандим, бу шаҳарни жуда яхши кўрардим. Мен ватандан кетганимда ўзимга жиддий руҳий шикаст етган, деб ҳисоблайман. Афсуски, Тошкент билан боғлиқ хотираларим у қадар ёқимли эмас.

Аммо мен, отам ҳақида қанча ёмон гапларни айтган ва ёзган бўлишларига, ҳали ҳам гапираётган ва ёзаётган бўлишларига қарамасдан, унинг Ўзбекистонни қанчалар севишини кўриб, ҳайратланаман. Мен ўзимни ўзбек қизи, деб биламан ва Ўзбекистонни яхши кўраман. Мен ҳатто яқин орада бизга мамлакатга боришга руҳсат беришади, деб умид қиламан. Аммо ўзбеклигимни ҳис қилган ва билган ҳолда, Туркияга кўниқиб бўлганимни ҳам эътироф этаман.

Туркиядаги ҳаёт ва Ватан соғинчи

Озодлик: Туркияда Сизларни қандай кутиб олишди? У ерда отангиз мамлакатни тарқ этишга мажбур бўлган сиёсатчи эканини билишар эканми? Одамлар Сиз билан, оилангизнинг бошқа аъзолари билан мулоқот қилишдан чўчиганлари йўқми?

Умида Солиҳ: Туркияда маҳаллий туркларнинг одамларга нақадар хайрихоҳона муносабатда бўлишларини кўриб, танг қолдим. Туркияга келишим билан уларнинг ўз одамига айланиб қолдим. Бу ерга дарров кўниқиб кетолмадим, кўп йиғладим, аммо кейин кўрдимки, бу ерда мени ҳамма яхши кўраркан. Отамни эса бу ерда худди қаҳрамондек қабул қилишди. Бу ерда мен ўзимни ҳеч қачон ажнабийдек ҳис қилганим йўқ.

Озодлик: Умидахон, фарзандларингиз нечта? Уларга

Ўзбекистон ҳақида, бу мамлакатга нима учун бора олмаётганлари ҳақида айтиб берганмисиз?

Умида Солиҳ: Уч фарзандим бор. Ўзбекистонга нима учун боролмасликларини улар ҳали билишмайди. Ҳали улар кичкина. Улар ойилари ва боболари ўзбек эканларини билишади. Бизнинг ўз маданиятимиз бор эканини, боболари Ўзбекистоннинг атоқли шоири эканини билишади. Бу йил улар биз сумалак тайёрлашимизни ҳам билиб олишди. Бу йил оиламиз билан йиғилиб, сумалак тайёрладик, ойимни ёдга олдик. Баъзан улар ўзбекча суҳбатларга гувоҳ бўлиб туришади.

Озодлик: Истанбулда ойингизнинг шогирдлари, тиббий маркази бўларди. Ойдин Солиҳнинг иши у кишидан кейин нечоғли муваффақият билан давом эттириляпти?

Умида Солиҳ: Ойимнинг доим ёнларида юрган шогирдлари одамларни ўқитиш ва даволашда давом этаётдилар. Унинг иши ойим ҳаётда бўлган пайтидагидек давом этиб турибди. Ҳозир биз Ойдин Солиҳ жамғармасини таъсис этиш устида иш олиб бораяпмиз. Ойимнинг ўлими ҳаммамиз учун оғир руҳий зарба бўлди. Чунки ойимга ўхшаган бошқа бир одам йўқ. Ойим нима учун китоб ёзиб, билганларини бошқаларга ўргатиб кетди? У доим: “Сизнинг менга эҳтиёжингиз йўқ. Мен сизга ҳаммасини ўргатиб кетаман, сиз эса бошқаларга ўргатасиз. Бошқаларга ҳам бу ҳақда гапириб беринг, токи улар ўзларини ва оилаларини даволай олсинлар”, дея тақрорларди. Худди ойим айтгандек бўлди. Ойим ҳар доим: “Инсонга табибнинг кераги йўқ. Инсон ўзига ўзи доктор бўлиши мумкин”, дер эди. У ўйлаган ишларининг ҳаммасини амалга ошириб кетди. Бу ерда ҳаммаси у истаганидек давом этапти.

Озодлик: Ўзингиз ҳам ойингизнинг ишини амалиётга татбиқ этиб турасизми?

Умида Солиҳ: Албатта, ваҳоланки, менинг амалиётим ҳозирча фақат уй билан, оила билан чекланган. Дейлик, ўғилларимдан ҳеч қайсиси эмланган эмас, улар умрида антибиотик истеъмол қилмаганлар. Ойим бизга нимани ўргатган бўлсалар, шундай ҳаёт кечиришга ҳаракат қиляпмиз.

Озодлик: Ойингиз кўп

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

одамнинг оғир хасталиклардан халос бўлишига ёрдам қилган, дейишади. “Ҳақиқий тиббиёт (Йўқотилган шифо изидан)” китоби исломий тиббга асосланган. Ойингизнинг олдиларига шифо истаб фақат мусулмон ўлкаларидан келишармиди?

Умида Солиҳ: Бунақа чеклов йўқ эди. Аммо китоб Ислом динига асослангани учун уларнинг кўпчилигини мусулмонлар ташкил қиларди. Бу усул дунёвий одамлардан кўра диндорлар учун қизиқроқ эди. Ойимнинг олдида даволаниш учун дунёнинг турли мамлакатларидан одамлар келишарди. Беморлар кўп бўлиб, улар орасида турли дин вакиллари ҳам бор эди.

Озодлик: Бизнинг замонда “Тибби набавий”га (Пайгамбарлар тибби) ишончсизлик билан қарайдиган одамлар ҳам кам эмас. Бунақа одамларга дуч келганларида ойингизнинг руҳи тушиб кетармиди ёки аксинча, бу нарса у кишининг танлаган йўллари тўғрилигига бўлган ишончини янада мустаҳкамлармиди?

Умида Солиҳ: Унинг иймони жуда кучли эди. Мен баъзан ташвишланиб, ойим жавоб бериши керак бўлган дахшатли саволларни эшитмаслик учун унинг конференцияларига деярли бормасдим. Аммо у бунақа саволларга доим мулоҳима оҳангда ва табассум билан жавоб қайтарарди.

Аммо, биласизми, қизиғи шундаки, унга энг кўп қаршилик кўрсатган кишилар айнан дин пешволари бўлган. У ҳақиқий Ислом қандай бўлиши кераклигини уларнинг юзига айтарди. Ойим уларга ўзлари амал қилмаётган, аммо динда буюрилган суннат амалларни эслатиб турарди. Ойимни энг ёмон кўрган кишилар ўшалар эди. Чунки ойим уларни аёвсиз танқид қилар ва “Сиз қилаётган бу иш Исломдан эмас”, деб уларнинг юзига очиқ айтишдан кўркмасди. Ойим баҳслашишдан ва улар ноҳақ эканини исботлашдан ҳеч қачон чўчиб-чекинган эмас. У учун ягона ҳақ йўл Ягона Ҳаққа бўлган йўл эди. Яъни бу Оллоҳга йўналган йўл эди ва у учун бошқа ҳеч қанақа топинадиган зот йўқ эди. Уни ҳеч ким ҳижолатдан эсанкиратолмас, хафа қилолмас ёки руҳини туширолмас эди.

Ойдин Солиҳнинг сўнги кунлари

Озодлик: Ойдин хоним оламдан ўтганларига қарийб 2,5 йил бўлиб қолди...

Умида Солиҳ: Биласизми, бизни ҳалигача мусибат тарқ этгани йўқ. Айниқса отамга ҳанузгача буни қабул қилиши осон кечмаяпти. Унинг орамиздан кетишини отам ҳазм қилиши қийин бўлди. Дастлабки йили ҳечам ўзимизга келолмадик, кунда бир неча бор бир-биримизга кўнгирак қилиб, йиғлашиб олардик. Мен ҳалигача ойимнинг орамизда йўқлигини англаб етганим йўқ. У менга: “Бибиша, бу ишни мана бундай қил” деганларида, доим ўша ишни аввал ўзим билгандек қилардим ва бунинг хатолигини ўзим кўриб, иқроқ бўлганимдан кейин пировардида ҳаммасини ойим айтгандек қилишимга тўғри келарди. Ҳозир ўз йўлимдан юрар эканман, ойимга: “Биласизми, анави иш худди сиз айтгандек бўлиб чиқди” демоқчи бўламан, у эса ёнимда йўқ. Мен учун энг қийин жойи шу бўляпти. Темур изтиробини амаллаб ичига ютиб, ташқарига чиқармайди, отам билан мен эса ҳали ҳам бир-биримизга суратлар жўнатиб тураемиз, баъзан йиғлашиб ҳам олишимиз мумкин. Бу осон иш эмас албатта.

Мен ойимнинг сўнги кунларини эсламан. У жуда ўйчан эди ва қарийб сўзлашмасди. Унга ҳаётнинг қизиги қолмаганди. Бир куни мен ундан: “Ойи, ўлишдан кўрқяйсизми?” деб сўрадим. У менга синик табассум билан қараб: “Йўқ, қизим, бу нима деганинг? Мен ўлимдан кўрқаяётганим йўқ, (узок вақт) шунақа ётиб қолишдан кўрқяпман”, деди. Биласизми, у худди ўз китобида ёзиб кетганидек ўлим топди. У ҳақиқий мусулмон аёлдек вафот этди. У “Ёсин” сурасини ўқиётган пайтларида, хотиржам алфозда жон таслим қилди. Бу таслимият мен учун мисли кўрилмаган бўлди. Мен ҳеч қачон бунақасини кўрмагандим. Ойимни юваётганларида ёнларида эдим, мен майит шунақа чиройли бўлиши мумкинлигини, ўлган одамнинг юзи бунақа беташвиш ва гўзал бўлиши мумкинлигини ҳечам тасаввур қилолмагандим. Ушанда ўлимга ҳозирлик кўриш нақадар муҳимлигини, ҳаммасини ипидан игнасиғача ўйлаб қўйиш кераклигини умримда биринчи марта англаган бўлдим. Ойим

ёстикда ётган сўнги ҳафталар ёдимда. Унинг ҳамма нарсаси тайёр эди. Яъни унинг кафани, тобут ювилиши лозим бўлган сиркаси ва ҳатто майитни ғусл қилдириш учун столи тайёр бўлиб, йўлак четида турарди. Ҳамма нарсаси тахт, ювилган, дазмолланган эди. У ҳатто укам Темурни ғассол учун челаққа юбораётди: “Мени юваётган пайтларида ҳеч ким бу нарсаларнинг ташвиши қилиб, ҳеч қаёққа чопмасин, ўлимимдан ҳеч кимга малолат келмасин”, деди. Бу ашёларнинг ҳаммаси стол устида турар, у эса оппоқина бўлиб, ял-ял ёниб ётарди. Унинг ёнига келиб: “Ойижон, ҳамма нарсангиз тайёрлаб қўйибсиз-ку” десам, менга табассум қилиб: “Ҳаммаси тайёр, мен эсам ҳали ҳам ҳаётдаман”, деди. Ойи бу гапни ҳаммаси шундай бўлиши керакдек, ҳозир сумкачасини оладигану бирор жойга таътилга кетадигандек ёки биз боролмайдиган бошқа оламга кетадигандек алфозда айтди. Унинг ёнида бўлган пайтимда кўп нарсани англаб етдим. Энди ўлим қандай бўлиши мумкинлигини, одамлар орасидаги нақадар катта фарқ бўлиши мумкинлигини биламан. Эндиликда мен одам бу дунёда қандай умр кечирганини айнан ўлими кўрсатиб қўйишини аниқ биламан. Уни ювиб-тараб, кафанлаганимизда “Алиф”дек (ʾ - араб алифбосининг биринчи ҳарфи – таҳр.) қадди рост ва гўзал эди. Ўша тун у уйда қолди. Мен ойим вафотига ётган каравотга узандим. Ойим ёнимда – ювиб, кафанланган стол устида ётарди. Мен ухлаб қолибман ва тушимда ойим айнан ўзи орзулаганидек гўзал ўлим топганини кўрибман. Биз у билан ҳаёт ва ўлим ҳақида жуда кўп гаплашардик. Ва мен доим унга кўрган тушларимни айтиб берардим. Мен кўрган тушимни айтиб бериш учун, “Ойи, тушимда Сиз айнан ўзингиз истагандек, “Ёсин” сурасини тинглаётди ва Калимаи Шаҳодатни келтирган қўйи оламдан ўтибсиз” деб айтиш учун кўзимни шошиб очдим. Кўзимни очарканман, уни кафанга ўралиб ётганини кўрдим. Бу мен учун унутилмас он эди. Ўша пайт ойим энди йўқлигини англаб, йиғлаб юбордим...

Озодлик: Умидахон, суҳбатингиз учун раҳмат.

Гули Хўжаева суҳбатлашди
Манба: "Озодлик" радиоси

"Озодлик" радиосига Telegram тармоғи орқали етиб келган аудиотасмада президент Шавкат Мирзиёев мамлакатдаги "ниҳоятда оғир аҳвол"ни ўнглаш учун келгуси икки йил давомида мутасаддилар "фавқулодда ҳолат"да ишлаши зарурлигини айтади.

Озодлик суҳбатлашган Ўзбекистон ҳукуматининг бири-биридан мустақил икки расмийси Шавкат Мирзиёевнинг бу сўзлари 11 апрель кунги видеоселектор йиғилишида янграганини тасдиқлади.

Бугунги талаб

Президент этиб сайланишидан беш ой ўтиб Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда "вазият ниҳоятда оғир"лигини очикча тан олди:

- Аҳвол ниҳоятда оғир. Томошабин бўлиб ўтира олмаймиз. Ўтиришга ҳаққимиз ҳам йўқ. Одамлар биздан бугун талаб қилаяпти, - деди Шавкат Мирзиёев.

"Фавқулодда вазият"

Ўзбекистонда кадрларни тайёрлаш тизими йўқлигини айтган президент келгуси икки йил давомида мутасаддилар "фавқулодда вазиятда" ишлаши зарурлигини эълон қилди:

- Бизда кадр тайёрлаш тизими йўқ десак, адолатдан бўлади. Йўқ. Албатта, икки-уч йилдан кейин кадрлар келади. Ёш, яхши кадрлар. Лекин, ҳозир мен қарор қилдим, икки йил фавқулодда вазиятда ишлаймиз, - деди Шавкат Мирзиёев.

"Давлат ғилдираги"

Президент айти йиғинда Ўзбекистондаги тўртта давлат ташкилоти - прокуратура, ички ишлар, солиқ ва ҳокимият - "бутун давлатимиз тизимининг ғилдирагини айлантиради", деб айтди ва бу идоралар раҳбарларини ҳар ҳафта ўзига ҳисобот беришга вазифалантирди:

- Ҳар ҳафтада менга шахсан ёзма равишда ҳисобот берасиз: нимага эришилди, кимни ишдан олиш керак, кимга чора кўриш керак, кимга қандай имконият яратиш керак, кимни ишга жойлаш керак, кимга қанча пул керак. Қаерда ғилдирак айлантиради, ҳар бир вилоят бўйича аниқ-



Мирзиёев Ўзбекистонда "аҳвол ниҳоятда оғир"лигини тан олди

аниқ айтасизлар, - деди Шавкат Мирзиёев. неча марта эслатди.

"Эски ҳаммом, эски тос... бўлмайди"

"Ҳамма далага"
Ўзбекистон президенти давлат бошқаруви органлари ходимлари ишини назорат қилиш учун вилоят ҳокимларига ўзларига бириктирилган ҳудудларда "ўз штабларини" ташкил этишга буйруқ берди:

- Вилоятлар раҳбарлари ўзларига бириктирилган шаҳар ва туманларнинг ҳар бирида туман ва шаҳарлари раҳбарлари ҳудуди учун қулай бўлган жойда ўз штабларини ташкил қилади. Ҳамма далага чиқиб кетади. Штабни ташкил қилиб, Бош вазир қарори ўн кундан кейин чиққанидан кейин ўша штабнинг менга телефони, штабни жойи берилади, - деди Шавкат Мирзиёев.

"Уйга боришни йўқ қиламиз"

Мирзиёев барча маҳаллий раҳбарлар фаолияти устидан назоратни шахсан ўзи олиб боришини таъкидлади:

- Мен ўзим назорат қиламан. Шу районни прокурори қаерда, милицияси қаерда, солиқчиси қаерда, ҳокими қаерда. Уйга боришни йўқ қиламиз. Икки йил фавқулодда, масъул иш тизимига ўтамиз, - деди Шавкат Мирзиёев.

Президент барча вилоят раҳбарлари тўрт идора раҳбарига, тўрт идора раҳбари эса шахсан унинг ўзига ҳисобот бериб туришини йиғилиш давомида бир

Президент халқ билан мулоқот йилида раҳбарлар халқ муаммоларини ё ҳал қилишлари шартлиги ёки вазифаларидан кетишларидан огоҳлантирди:

- 2017 йил - "Халқ билан мулоқот йили" деганда ҳеч ким тушунмовди. Ўйлаган эдиларингки, ҳа эски тос, эски ҳаммом бўлади, деб. Ундай бўлмайди. Ё гаплашасизлар, масалани ҳал қиласизлар ёки кетасизлар, - деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмоновнинг халқдан тушган ариза ва шикоятлар сезиларли миқёсда озайганига оид ҳисоботига шубҳа билдирган Шавкат Мирзиёев шаҳар милиция ва прокуратура ходимларини ҳокимиятга келган шикоятларни яширишга уринаётганликда айблади:

- Сенинг прокуроринг ва милициянг ҳақида менда маълумот бор. Мен ҳозир айтмоқчи эмасман. Қабулхонага бориб, прокуратурадан келган шикоятларни киргизма, деярти прокуроринг, милициянг. Менда маълумот бор. Сен билмаган нарсангни нима қиласан мақтаниб. Билмасанми, сенинг энг катта хатоинг нима? Ичига кирмайсан, - деди Шавкат Мирзиёев Тошкент ҳокимига қаратилган гапида.

Манба: "Озодлик" радиоси

Агар эътибор берган бўлсангиз, Ўзбекистоннинг исталган худудида, исталган ташкилотидора, оддий бекатшоҳбекатларда, ИИБ йўл харакати хавфсизлиги ва чегара, божхона постларида ҳам “бедарак кетган”, “қочган” дея қидирилаётганларнинг узундан-узун суратлари-рўйхатига беихтиёр кўзингиз тушади.

Уларнинг деярли барчасига асосан бир хил айб, у ҳам бўлса, “диний экстремист”, “террорист” тамғаси босилган. Мабодо, мамлакатдаги ҳақиқий ҳолатдан хабари бўлмаган одам бўлса,



“Бутун бир юртни террористлар босиб кетган экан-да, уларнинг сони шу қадар кўпайиб кетибди-да?...” деган ўйга бориши мумкин. Аслида бундан кўзланган мақсад ҳам кишиларда шундай тасавурни уйғотиш, шакллантиришдир...

Ажабланирлиси шундаки, узоқ хориж юртларини қўя турайлик, ён-атрофимиздаги жон қўшни бўлган давлатларда ҳам бу қадар минглаб сондаги фуқароларга нисбатан қидирув эълон қилинганлигини ёки уларнинг бедарак йўқолганликлари ҳақидаги хабарларни кўрмайсиз. Бу фарқли ҳолдан ҳайрон қолиб, баъзи ҳолларда “Бу экстремист дейдиганлари бу диёрда тоза ин куриб олган экан-ку”, деб юборишингиз ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги “дараксиз”лар сони-салмоғининг осмон қадар “сапчиган”лиги масаласига диққат ва синчковлик билан боққан кишида ушбу ҳолга нисбатан жиддий шубҳа уйғонса бундай ҳолдан ҳайрон бўлмаслик керак.

Бундан ташқари, худди ўша турнақатор бўлиб осилиб турган суратларга чуқурроқ назар ташласангиз, унда акс этган инсонларнинг расми аксарияти ниҳоятда эскириб-сарғайиб кетган. Расмларга боқиб туриб, уларнинг шу тарзда осилиб турганлигининг ўзига қанчадан-қанча йиллар ўтиб кетганлигининг гувоҳи бўласиз. Агарда шу шакл-ҳажми жиҳатидан

“Бедараклар” лойиҳаси

анча катта ва кенг плакатларда қаторлаштирилиб тизиб қўйилган киёфаларга теранроқ разм солсангиз ҳам уларнинг асл юзи аниқ-тиниқ таниб оладиган даражада ёрқин акс этмаганлигини биласиз. Юзлаган, минглаган чехралар ўз ифодасини топган қоғоз-деворий плакатлар қуёш қиздириши натижасида ўчиб, ёмғирда ивиб, латтаси чиқиб кетган.

Ундан бирон нарсани англаш мушкул эканлигини кўриб, “Ахир, ростдан ҳам улар қидирилаётган эканми ёки бунинг замирида бошқа бир гап борми? Қаторлаштирилиб қўйилган шунча шахслар ўзи чиндан ҳам бедарак кетганмикин, ана шундай бўлар-бўлмас йўлларга адашиб кириб кетганлиги бор гапми ёки бундайдан ташвиқу-тарғиботдан бошқа бир мақсадлар ҳам кўзланганми?” деган ўй-фикр хаёлингиздан ўтмай қолмайди, албатта.

Ўша расмларнинг ажиб-бужилигидан шахснинг юзидаги белгиларни, умуман, кимлигини аниқ таниб-билиб бўлмас экан, унда ушбу суратлар мажмуасини шунча жойларга осиб қўйишнинг қандай муҳим жиҳати ва аҳамияти бўлиши мумкин? Бунчалик ваҳиманинг нима кераги бор? Бу каби тарғиботга зўр берилишидан

кимлар кўпроқ манфаатдор?...

Айтилаётган мақсад билан амалиёт бир-бирига мос келмаслиги, ҳаттоки, бир-бирини инкор этаётганлиги ва ундаги паллапартиш-чалкашлик, пойинтар-сойинтарликнинг сабаби не? Худди шу ҳолатнинг ўзи бу турдаги тарғиботнинг асл мақсадини фош этиб бўлган, аслида. Лекин унинг ошқор бўлиб қолган томонларидан ҳамма ҳам хабардор, хусусан, оддий халқ ҳам билади, эътибор беради, дейиш қийин.

Одамлар орасига чуқурроқ кириб борсангиз, аҳолида бу борада кўпроқ

умумий тасаввур устунроқ ривожланганлигига амин бўласиз. Сабаби оддий: яъни қаерга қараманг, ким билан гаплашманг, худдиким дунёни бугунги кунда ана шундай террорист-экстремистлар босиб кетган-у, шу боис бутун бир инсоният уларга қарши кураш олиб бораётир деган жўн тушунча бор одамларда. Айна сабабдан ҳам худди шу борадаги ташвиқотга мамлакат ичкарасида керагидан ортиқча тус бериб юборилгани бежиз эмас.

Кенг қўламли кампаниявозликка айлантирилган хабарларни матбуот, интернет, оммавий ахборот воситалари орқали кўравериши ортидан ҳам юқорида айтилган жўн фикрга келиб қолган кишилар ҳам талайгина. Аксинча, аҳоли ўзи истиқомат қиладиган маҳалла ёки масжидларда нукул худди шу мавзудаги маърузаларни тинглайвериб, сийқаси чиққан ваъзлардан безганлариям йўқ эмас. Шунданми, кўпчиликнинг бу каби тарғиботлар замирида нималар ётганлиги билан иши ҳам, муҳокама қилишга вақти ҳам йўқ. Чуқурроқ мулоҳаза юритиб, тагига етай деса, кўп нарсалардан ҳафсаласи ҳам пир бўлган. Кўпчилик қорин ғами билан овора, тирикчилик билан банд. Ўша расмлар осилган плакатларни кўрдими тамом, “Демак, маъруза-нутқларда айтилганидек,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

уларнинг барчаси ёмон йўлга кириб кетганлар тоифасидандир”, деган тушунча-умумий тасаввур, бир хил дунёқараш шаклланган айримларда. У расмдаги одам кимлиги, юз-кўзи қандайлиги ёки қаерданлиги, ёши, келиб-чиқиши, аслида нима сабаб бўлганлиги оддий инсонларни унчалик ҳам қизиқтирмайди. Аслида эса йиллар давомида атайлабдан миллат ана шундай ишсиз, маошсиз, маърифатсиз, ўз тақдирига ўта ҳафсаласизлик билан бокиш ҳолатига келтирилган. Худди шу сиёсий ғўрлик ва ҳафсаласизлик ҳолатидан фойдаланган хоинлар кейинги вақтларда турли спектакльсифат томошалар уюштираяптилар. Бу усул билан кишилар қалбига кўрқув ҳиссини сингдириш мавжуд режимнинг хос иши, асосий мақсадидир.

Агар чет эллик бирон бир сайёҳ келиб худди шу расмларга разм соладиган бўлса, уларда ҳам ғалати ва нотўғи бир тасаввур пайдо бўлиши турган гап. Аслида ҳам мавжуд ҳолат шундай тасаввурни берадимми? Вазият, шунчаликка бориб етганмикин? Йўқ албатта.

Ҳақиқий манзара эса бутунлай бошқача. Расм-плакатлар фақат бир сирли кўриниш касб этишга хизмат этмоқда. Бу борадаги муаммони имкон қадар бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Кўзда тутилган бирдан бир мақсад - худди шундай усул билан кўрқув муҳити яратиш ва халқни доимий кўрқувда ушлаб туришни таъминловчи машина ҳаракатининг мунтазамлигини таъминлашдан иборат. Энг муҳими, бу мавжуд режимнинг, хусусан, миллий ҳавфсизлик хизматининг манфур ва қабих ниятли амалиётлари фош бўлиб қолишининг олдини олиш борасидаги жиддий бир уринишдир.

Аммо, “Суратдаги шахслар диний-экстремистик фаолияти учун қочиб кетган, шунинг учун қидирув эълон қилинган, уларнинг кўпчилиги бедарак кетган...”лиги билан бевосита боғлиқ сохта ва ёлғон маъумотларни тарқатиш-ёйиш ва уни одамлар онгига сингдириш никоби остидаги ҳаракатга қанчалик зўр берилмасин, бу қабих ният остидаги мақсад барибир бир кун рўёбга чиқади. Чунки, қасалингни яширганинг билан иситмаси барибир ошкор

қилиб кўяверади. Ёлғон-алдовлар орқали халқни, миллатни чалғитишга уриниш билан узоққа бориб бўлмайди. Бу узоқ ва яқин тарихда кўп бор исботланган ҳақиқат.

Бориб-бориб фош этилиши муқаррар бўлган нопок амалларни бир ҳовуч мансабпарастларнинг манфаатига хизмат қилдириш орқали узоқ вақт ўз ҳукмронлигимни сақлаб қоламан ва давом эттираман деб ўйлаш ўта кетган калтабинликдир. Афсуски, миллий ҳавфсизлик тизими ана шундай жўн ва жуда кўпол, хато йўлдан боришни ўзига эп кўрди. Бу ғаламислик-хоинликни бирон бир киши билмайди, дея хомтама бўлиш ҳам аслида айрим мхчиларнинг хомхаёллиги бергисидир. Атайлаб, онгли равишда қилинаётган “хато”лар ортида қанчадан-қанча мутлақ гуноҳсиз инсонларнинг тақдири чил-чил бўлиб синиб кетаётганлигига доир маълумотлар фош бўлмасдан сирлигича қолиб кетади, деб ўйлаётган бўлсалар, улар қаттиқ адашишади.

Бизга билдирган манбага кўра, “қочиб кетган”, “бедарак йўқолган” дея ичкарида ва ташқарида қидирув эълон қилинганларнинг аксарияти, деярли тўқсон фоизи қип-қизил ёлғон, кўзбўямачилик, чалғитишдан бошқа нарса эмас. Унинг маълум қилишича, айнан шу борадаги йирик бир “ДАСТУР-ЛОЙИҲА”ни ўйлаб топган ҳам унинг асосчиси-муаллифи ҳам Ўзбекистон миллий ҳавфсизлик хизмати раҳбари Рустам Иноятовдир.

“Дастур” доирасида олиб борилаётган ҳар бир ҳаракат қаттиқ назорат қилинади ва сир сақланади. Барча босқичдаги ишлар шахсан Иноятовнинг ўзига тўғридан-тўғри бўйсунадиган махсус ва махфий гуруҳ томонидан амалга оширилади. Бу гуруҳдагилар мхх тизимидаги бирор бир бошқарма ёки бўлим таркибига ҳам киритилмаган. Улар билан МХХ асосий биносидан бутунлай бошқа бир ерда учрашилади ва ўша жойнинг ўзида тегишли топшириқлар берилади.

Ўта яширин тарзда ҳаракатланадиган ушбу гуруҳ фаолиятидан хабар топган ҳар қандай инсон дахшатга тушмасдан қолмайди. Чунки, ғирт ёлғон хабар тарқатилиб, “қочиб кетган”, “бедарак йўқолган”, дея қидирилаётганларнинг жуда кўпчилиги мамлакат ичкарида.

Яъни уларнинг кўпчилиги ҳеч бир ёққа қочмаган ҳам, бедарак ҳам кетмаган. Фақат номига жамоатчиликнинг диққат-эътиборини чалғитиш учун махсус расмли кўргазмали курол-воситалари орқали хабар тарқатиб кўйилади, холос. Токи, аҳоли ушбу тарғибот-ташвиқотдан ўзига тегишли хулосалар ясаб олсинлар дея.

Аслида эса қидирувга берилиб эълон қилинганларнинг кўпчилик қисми МХХнинг махсус қамокхоналарида сақланади.

Ички ишлар вазирлиги тизимидан ҳам бирор бир кимса у жойларга яқинлаштирилмайди. Негаки, у ердаги айбсиз айбдорларнинг қаерларга олиб кетилаётганлиги, улар асосан қандай ишларга жалб қилинаётганлиги фош бўлиб қоладиган бўлса, ичкаридан ва ташқарида реакция-босим қаттиқ бўлиб қолиши мумкинлигидан жуда ҳам чўчишади.

“Бедарак”лар орасида шунчаки қидирув эълон қилинганлари ва аксинча, қидирувга берилмаганлари ҳам бор. Бошқа мамлакатларда ишлашга боришни истаганлар орасидан одам танлаб, юрт ташқарисидаги фуқароларни кузатиш, таъқиб этиш учун махсус жосуслар гуруҳи ташкил этиш, айниқса, ёш қизларни “Хориж мамлакатларида иш топиб берамиз” дея алдаб, уларни манфур мақсад сари йўналтирилиш, шу орқали қадим-қадимдан ҳаёси, зақоси билан доврўғ таратган миллат қизлари-аёлларини бутун дунёга шармандаи шармисор қилиб кўрсатишдек хоинона “лойиҳалар”га ҳам шахсан Иноятов раҳбарлик қилаётганлигини-ку гапирмай кўя қолайлик ҳозирча.

Чунки, бугунги кунда “бедарак йўқолган” ва ёки “қочиб кетган” деган ёлғон хабар никоби остида ҳам қанчадан-қанча одамлар-миллат ёшларининг умрига зомин бўлишаётганлигининг ўзиёқ ҳар қандай одамнинг ақлини шоширади.

Боиси, аслида “бедарак”лар бор: йўқолмаган, бедарак кетмаган, қочмаган. Уларнинг аксарияти мамлакат ичида, асосан Р.Иноятов ва Б.Парпиевнинг ўта махфий ер ости ё ер устида жойлашган яширин, ҳеч қанақа давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган цехларида ишлатилаётганлигини ҳамма ҳам

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

билавермаса керак.

Энг ёмони ва даҳшатли томони шундаки, замонавий кулликнинг махфий кўринишида сақланаётган, халқдан, ҳатто ўз ўта-оналаридан яширинча ишлатилаётган бу “ишчи”-фуқаролардан террорист яшашга уринилаётганлигидир. Бунини энди қандай тушуниш мумкин? Баъзи ҳолларда уларнинг қўл телефонларидан ўз ота-онаси, оиласига “аллақачон турли экстремистик гуруҳларга қўшилиб кетган”лигига доир смс маълумотлар юбориш ёки бундай смслар ёзишга йигитларнинг ўзларини мажбурлаш Иноятов раҳнамолигидаги миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг оддий амалиётига айланиб қолган.

МХХчиларининг айнан шу борадаги кирдикорлари бир неча бор фош бўлиб қолганлиги боис фуқароларни қўл телефонида ўзлари ёлғон смсларни жўнатишга мажбур этган бўлса-да, “Сенларнинг дастингдан шарманда бўлдик”, дея яна уларга нисбатан бошқа бир айблов билан жиноят иши кўзгатиш асносида қаматиб юборилаётганлигига ҳам мисоллар етарли. Хусусан, жиззахлик тадбиркор Арамис Авакян ва унинг шериклари тақдири қандай яқунланганлиги билан боғлиқ воқеа фикримизга аниқ далил бўла олади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида бирор қишлоқ-маҳалла, посёлка, туман, шаҳар қолдимики, унда “йўқолмаган”, бедарак кетмаган ёки қочиб кетмаган одам йўқ бўлса? Энг кам деганда икки-учтадан бор. Агар мамлакат бўйлаб неча юзлаб қишлоқ-маҳаллалар борлигини назарда тутадиган бўлсак, “бедараклар” ёки “қочок”лар сони неча мингларни ташкил қилишини тасаввур этаверинг.

МХХ раҳбари Рустам Иноятов ва унинг қудаси - солиқ кўмитаси раиси Ботир Парпиевнинг рўйхатдан ўтмаган, қонундан ташқарида бўлган корхоналарида ана шу “бедараклар”нинг кўпчилиги ҳеч бир ҳақсиз-ҳуқуқсиз ва маошсиз эрта-ю кеч қулларча ишлатилади. Лозим бўлса, баъзи тили узунроқларидан сохта “қўлбола бомбалар тайёрловчи, кўпоровчи-террорист” ясалади. Дунёнинг ҳар еридаги рўй бераётган бузғунчиликлар фониди



ўзбек миллатини ёмонотлик қилиб кўрсатиш, террорни исломга, хусусан, ўзбек миллатига боғлаш ҳам тажрибада кўп кўзга ташланаётганлиги бор гап. Иноятов раҳнамолигидаги МХХ миллатга эга чиқиш, миллатнинг обрўсини кўтариш, юрт фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқлари, шаънини ҳимоя қилиш ўрнига бунинг мутлақо акси бўлган фаолиятлар билан шуғулланиш аяпти десак, асло муболага бўлмайди. Айрим “бедарак”ларнинг овозини мутлақо “ўчириш” мақсадида МХХ босси ва солиқчилар боссига тегишли бошқа мамлакатлардаги қўшма корхоналарга олиб кетилади. Агарда ўша узок манзиллардаги ишхоналарида ҳам яна “тиллари эрк беришса”, яъни ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила бошласа, дарҳол уни “террорист”га айлантириш чорасини кўришади. Зудлик билан ё “ишид”чи ёки “ҳизб”чи ёхуд бошқа бир турдаги “кўпоровчи”га айлантириб қўйишади. Қулларча ишлатишгани етмагандай, миллат болаларидан бошқа бир турдаги “жиноятчи” яшашга ўтилишининг ўзи Иноятов тўдасининг нечоғлик тубанликка ботганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, “бедарак”ларнинг баъзи бирларидан Тошкент шаҳар Юнусobod туманидаги МХХга қарашли қамокхонада ҳам турли мақсадларда фойдаланиш йўлга қўйилган. Илгарироқ ўлим жазосига ҳукм этилганлардан ва ўлим жазоси бекор қилинган, бугунги кунда умрбод қамок жазосига ҳукм қилинганлардан ҳам ана шундай қабих ва шахсий манфаатлари йўлида махфий равишда фойдаланишмоқда. Иноятов тўдаси ишининг яна бир даҳшатли ва энг қабих томони шундаки, оғир жиноят содир этганлардан жуда катта миқдордаги порасини олиб, асл қотил бир четда қолдириб, озодликка қўйиб юборишиб, унинг ўрнига худди ўша “бедарак”лардан бирини гўё “топилган, ушланган” қилиб

кўрсатиб, айбни ўша бечоранинг бўйнига илиб юборишади.

Бу ёқда эса “дараксиз”ларнинг ота-онаси, оиласи, бола-чақаси, қариндош-уруғи зор қақшаб кидириб юраверишади. Фарзандларини кидира-қидира, дарagini тополмай, умиди буткул узилгач, дунёдан армон билан ўтиб кетганлари қанча. Ичкаридаги ота-оналар ўз фарзандларининг “бехосдан” йўқолиб қолганлигига оид хабар ҳақида маҳаллий матбуот, ОАВларига лом-лим дейиша олишмайди. Дейишса ҳам “тили қирқилган” ахборот воситалари бу ҳақдаги маълумотни эълон қилмайди, эълон қила олмайди. Негаки...

Шунарсанилоҳидатаъкидлаш ва эслатиб ўтиш жоизки, Иноятовнинг “БЕДАРАКЛАР” лойиҳаси эндигина иш бошлаган пайтларда хўжақўрсинга ва одамларни чалғитиш (эхтимолки, миллат ота-оналарини ўз фарзандларининг ногоҳон “йўқолиб” қолиши мумкинлигига руҳан тайёрлаш ва кўниктириш) мақсадида ташкил этилиб ТВда эфирга узатилган, Россия ТВсининг “Жди, меня!” сига айнан ўхшаш ва ўзлаштирилган биргина телекўрсатув ҳам “бедараклар”ни йўқловчилар ва уларнинг топилишига умид билан қараётганлар кўпайиши ортидан шартта тўхтатиб қўйилди. Чунки, “Мени кутгил ва мен қайтарман...” дея яқинларини умидвор термултириш учун ишлаб чиқилмаган эди-да асли Иноятовнинг “Бедараклар” лойиҳаси...

Шундай қилиб, матбуот МХХнинг мутлақ назорати остида. Фақатгина ташқарида чиқиб кетган ота-оналаргина ўз фарзандлари, яқинларининг дараксиз кетганлиги ва уларнинг ҳаёт эканлигига умид билан қараётганликлари ҳақида ОАВ, интернет ижтимоий тармоқларида бонг ура оладилар, холос.

МХХ раҳбари Рустам Иноятовнинг “Бедараклар” махсус дастури айни пайтда ҳам амалда қолмоқда. Иноятов ва тўдасининг бу қадар қабих “Лойиҳа”лари амалда қолар экан, халқнинг шўрига шўрва қайнаб, кўз кўриб қулоқ эшитмаган бундан-да даҳшатли ҳодисаларнинг юзага қалқиб чиқмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ...

Абдуворис Салом



Мухолифат фаолларини қамаш билан танилган собик прокурор Бўритош Мустафоев ўлди

2017 йил 12 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари 68 яшар Бўритош Мустафоев юрак касаллиги боис юзага келган комадан чиқа олмай касалхонада оламдан ўтди.

Собик Бош прокурор Бўритош Мустафоев ўтган ҳафта Тошкентдаги юрак хасталиклари клиникасида оғир аҳволда келтирилган эди.

Бўритош Мустафоев 1989 йилдан 1998 йилгача Бош прокурор бўлиб ишлаган давр, республикадаги мухолифат фаолларини қамаш, уйларини асоссиз тортиб олиш каби бедодлик даври сифатида тарихда қолди.

Мустафоев 2001 йил 15 июнида Қашқадарёлик мухолифатчи, парламент депутаты Шоврик Рўзимуродов қўлга олишга бошқош бўлган эди.

Шоврик Рўзимуродовнинг тергов давомидаги қийноқ оқибатида ўлгани айтиб келинади.

Ўша йили Ўзбекистон мухолифати лидери Муҳаммад Солиҳни қамаш ва унга тегишли квартирани тортиб олиш каби қонунсиз ҳолатлар борасидаги ҳужжатларда ҳам Бўритош Мустафоевнинг имзоси бор.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилган. 1971 йилда Тошкент давлат университетининг юридик факультетини тугатиб, меҳнат фаолиятини Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори лавозимидан бошлаган.

Матбуот танқиди сабаб ҳукумат мулозими лавозимидан четлатилди

Улуғбек Назаров Ўзбекистон янги тарихида матбуотда кескин танқидлар ордидан лавозимидан четлатилган биринчи ҳукумат мулозими бўлган. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Жанубий Кореяга ишлашга кетиш учун ўтказилган рўйхатга олиш ва тест синови натижаларини бекор қилди ва улар қайтадан янгича тартибда ўтказилади.

Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги раҳбари Улуғбек Назаров Ўзбекистон янги тарихида матбуотдаги кескин танқидлар ордидан ишдан кетган илк раҳбар бўлди. Бу маълумотни Би-би-си Ўзбек хизматидаги агентлик қабулхонасидаги ходима тасдиқлади.

Ташқи Меҳнат миграция агентлиги қабулхонасидан ходиманинг Би-би-сига айтишича, Улуғбек Назаров ишдан "бўшатилди". Ходима бошқа маълумот бермади.

Олдинроқ агентлик Жанубий Кореяда ишлаш учун номзодларни саралаш тартиби натижаларини бекор қилгани ҳақида ташқи миграция агентлигининг Facebook даги саҳифасида хабар чиққан эди.

Агентлик "норозиликлар" сабаб рўйхатга олиш жараёнини бекор қилганини ёзган.

"Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги шуни маълум қиладики, мазкур рўйхатга олиш жараёнида юз берган жиддий техник узилишлар, Кореяда меҳнат фаолияти юриштириш иловчи талабгорлар билимини синаш жараёни қатнашчилар орасида кўплаб англашилмовчиликлар ва норозиликларига сабаб бўлганлиги туфайли рўйхатга олиш натижалари бекор қилинади", - дейилади агентлик хабарида.

Корея Республикасида меҳнат фаолиятини амалга оширишни иловчи фуқароларни рўйхатга олиш ва анкета тўлдириш жараёни янгича мукамаллаштирилган тартибда қайтадан ўтказилиши маълум қилинган.

Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ушбу бекор қилишларни матбуотнинг кучи сифатида баҳолашган ва ўз хурсандчиликларини билдиришган.

Тинимсиз танқидлар

Ўзбекистондаги kun.uz нашри ва блоггер Санжар Саиднинг агентлик фаолиятини тинимсиз танқид қилаётган эди.

Kun.uz да бу борада 10 атрофида турли мақола ва хабарлар чиққан. Унда агентлик томонидан тузилган саволларнинг ўта мураккаб ва беъманилиги, онлайн тест топшириш жараёнининг яхши ишламаётгани ҳамда аҳолида бу борада пайдо бўлаётган саволларга агентлик жавоб беришдан қочаётгани ҳақида ёзилган эди.

Жанубий Кореяда ишлаш ўзбек мигрантлари орасида энг оммабоп йўналиш ҳисобланади. У ерга ишлашга кетиш учун бир неча босқичлардан ўтишга тўғри келади.

Расмий маълумотларга кўра, бу йил 90 минг атрофида одам Кореяга кетиш истагида ариза топширган. Шундан 6 минг киши имтиҳонга кириш учун рухсат олиши мумкинлиги айтилган,

Ижтимоий тармоқларда Жанубий Кореяга саралаш порасиз битмаслиги ҳақида фикрлар билан тўлиб тошган. Бироқ агентлик ушбу даъволарни рад этиб чиққан эди.

Матбуот танқиди сабаб бўшаган илк ҳукумат мулозими

Улуғбек Назаров Ўзбекистоннинг янги тарихида матбуотдаги кескин чиқишлар ордидан лавозимини топширган илк раҳбар бўлди. Бундан олдин 1997 йили Ўзбекистон телерадиокомпаниси раиси Зафар Ҳақимов ўша вақти Карим Баҳриев Бош муҳаррири бўлган "Хуррият" газетасида кескин танқидлардан сўнг ишдан олинган эди. Шундан сўнг Ўзбекистонда турғунлик даври бошланиб матбуотнинг кучи кескин қирқилди. Танқидий мақолаларга ўрин берилмади.

2016 йил сентябр ойида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов вафот этгани ва ҳокимиятга Шавкат Мирзиёев келганидан сўнг интернетдаги нашрларда танқидий материаллар пайдо бўла бошлади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда "жаннатдан хабарлар берувчи дастур" сифатида танилган "Ахборот"ни танқид қилганидан сўнг унинг шаклида ҳам ўзгаришлар пайдо бўла бошлади.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Таниқли журналистлар Шухрат, Қудрат ва Хурмат Бобожоновларнинг Урганч туманида яшовчи онаси Шукуржон Мадраҳимованинг айтишича, у 18 апрел куни ўз ховлисида бир гуруҳ номаълум аёллар ҳужумига нишон бўлди.

75 ёшли Шукуржон Мадраҳимова хонадонга бостириб кирган аёллар унинг ўғилларини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишган ва уларни “Ватан хоинлари” деб аташган.

қилишларини айтиб, ҳозиргача уларнинг аризаларини қабул қилмаган.

«Ундан кўра, онангиз кечирим сўрасин ўғилларининг қилмиши учун!» деган гап орасида Урганч туман арбоблар маҳалласи оқсоқоли, халқ орасида «Бакварган қассоб» дея танилган шахс.

Милиция Мадраҳимова аризасини қабул қилмагач, уни республика президенти Шавкат Мирзиёевнинг виртуал қабулхонасига йўллашган.

ишлайдиган бошқа журналистлар ҳам, бўлиб ўтган воқеадан ҳавотирга тушганларини айтади. “Анча йиллардан буён чет элда яшайман ва ахборот агентлигида ишлайман. Бобожоновларнинг Ўзбекистондаги оиласига қилинган таҳдиддан сўнг, дарҳол уйимдагилар билан боғландим. Ҳозирча бизда тинчлик. Лекин бундай хунук воқеанинг эртага бошқа бир журналист уйида тақрорланмаслигига кафолат йўқ” дейди исмини айтмаган хориждаги

“Ҳеч қачон бунақа очиқчасига, тажовузкорона ҳужум бўлмаган!”

Жазавага тушган аёллар кекса оёлни қўлидан телефонини ҳам тортиб олиб, ерга улоқтирганлар.

Воқеа содир бўлган заҳоти участка милицияси ходими билан Бакиварган исмли маҳалла оқсоқоли кириб келган.

«Шу ерда дарахларни оқлаб, ободончилик ишларини қилиб юрган пайтимиз жанжални эшитиб қолдик,» деб айтганлар.

«Озодлик»ка қўнғироқ ва таҳдидлар

Ўша куниёқ, бўлиб ўтган воқеадан бироз ўтгач, Прагадаги “Озодлик” радиосига ўзини Маҳмуд Машарипов деб таништирган одам телефон қилиб, журналист Шухрат Бобожонов билан гаплашиш истагини бидирган. Гўшакни кўтарган Шухрат Бобожонови Маҳмуд Машарипов ҳақорат қилишга тушган. Таниқли журналист суҳбат ёзиб олинаётганини совуққонлик билан эслатгач, Машарипов зудлик билан алоқани узиб қўйган.

«Элтуз» таҳририятининг, 19-20-апрел кунлари айна телефон рақамига бир неча бор қилган қўнғироқлари ҳам жавобсиз қолди.

Маҳалла оқсоқоли: «Ундан кўра онангиз кечирим сўрасин!»

19 апрел куни Бобожоновларнинг Хоразмдаги яқинлари аёллар ҳужуми ҳақида Ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилишган, лекин айна маҳалла оқсоқолининг давомли босими остида милиционерлар масалани оғзаки йўл билан бости-бости

«Эҳтимол, маҳалла оқсоқоли ўз саводсизлигидан, бу аёллар ёнини олиб шундай қилаётгандир. Унинг бу масалани ҳуқуқий ҳал этилишидан мутлақо манфаатдор эмаслиги кўриниб турибди,» дейди воқеани яқиндан кузатган қўшнилари.

Журналистик фаолият учун олинган ўч

Хорижий оммавий ахборот воситаларида ишловчи Шухрат, Қудрат ва Хурмат Бобожоновлар Ўзбекистонда юз бераётган жараёнларга танқидий назарлари билан танилган.

Уч ака ука журналистларнинг фаолияти ҳар доим Ўзбекистондаги амалдорларни асабийлаштириб келади.

Шундай бўлишига қарамай, Қудрат Бобожоновнинг айтишича, шу пайтгача уларнинг Ўзбекистондаги яқинлари бу қадар таҳдидларга дуч келмаганди.

“Ҳеч қачон бунақа очиқчасига, тажовузкорона ҳужум бўлмаган, на бизнинг яқинларимизга на ўзимизга. Бўлиб туради, масалан ижтимоий тармоқлар орқали “Сени ундай қиламиз, бундай қиламиз, жим юр,» каби изоҳлар ва мактубларни олиб тураман. Лекин мен, улар бугунги каби ошқора ҳужумга ўтади деб ўйламаган эдим,» дейди ҳозир Швецияда яшаётган журналист Қудрат Бобожонов.

Журналистларни қўрқитиш сигналими?

Ўзбекистондан ташқарида

ўзбек журналистларидан бири.

Мархум президент Ислам Қаримов ҳукмронлиги пайтида Ўзбекистон ичидаги мустақил журналистлар ва ҳуқуқ ҳимоячилари, халқ орасида «ОБОН» номи билан танилган тажовузкор ва шаллақи аёллар ҳужумларига учраб туришарди.

Бундай гуруҳлар, норозилик пикетларига чиққан фаолларни дўппослашар, уларни беобрў қилишга ҳаракат қилишарди.

Гуруҳдаги аёллар, одатда ўзларини маҳаллий ҳокимият ёллаганини яширмасди.

Ислам Қаримов ўлганидан кейин эса, ўзгача фикрли инсонларни қўрқитиш учун қўлланиладиган бу аёллар гуруҳи ҳаракатлари ҳам бир муддат тўхтаган эди.

Хорижий матбуотда ишлаётган журналистларнинг онасига қарши бу галги ҳужум дипломатик корпус вакиллари, жумладан АҚШ элчихонаси ходимларининг ҳам диққатини ўзига жалб этди. 20 апрел куни АҚШ элчихонаси вакиллари номаълум жанжалкаш аёллар ҳужуми остида қолган хоразмлик журналистнинг кекса онаси тақдирдан ташвиш билдириб, унга қўнғироқ қилишди.

Ҳужум, аёлларнинг ўз ташаббуси билан бўлганми, йўқми маълум эмас. Бу, эҳтимол, ҳуқуқ тартибот идораларининг муносабатидан кейин маълум бўлар.

Улугбек Ашур,
Канадада яшовчи ўзбек журналисти
Манба: eltuz.com



Муҳаммад Солиҳ: Қозоғистоннинг лотинга ўтиш қарорини қўллаб қувватлайман

«Эрк» Демократик партияси лидери Муҳаммад Солиҳ Қозоғистоннинг йил охиригача лотин ёзувигача ўтиш қарорини қўллаб қувватлашини билдирди.

Қозоғистон президенти Назарбоев йил охиригача кирилл алифбосидан лотин ёзувигача ўтиш режасини ишлаб чиқиш, 2018 йилдан мутахассисларни янги алифбога ўқитиш ва ўрта мактаб учун лотин алифбосида китоблар чиқаришни бошлаши кераклигини тайинлаган.

Лотин имлосига Ўзбекистон 90 йиллар бошида ўтган, Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон ҳукуматига бу таклифини олиб чиққан парламент гуруҳи етакчиси бўлган эди.

Ўзбекистоннинг лотин ёзувигача ўтиши сиёсий қарор бўлган

Бу қарор энг аввало ўзбек лингвистикаси қонуниятларидан келиб чиққан эди, чунки кирилл алифбосидаги ёзув бу талабларга жавоб бера олмасди.

«Бироқ 90 йилларда лотинга ўтиш масаласи туркий халқларни бир бирига яқинлаштирувчи сиёсий аҳамият касб этди», деди Муҳаммад Солиҳ Элтуз мухбири билан суҳбатда.

Чунки, ўша даврда туркий тилда гаплашувчи ўзбек, қозоқ, озарбайжон, қирғиз, туркман халқлари учун мустақиллик

ғояси умумий аҳамият касб эта бошлаганди.

Кирилл алифбоси ўзбек тилининг бузилишига, қардош халқларнинг узоқлашувига хизмат қилди

Бугун Туркияда яшаётган ўзбек сиёсий лидери Муҳаммад Солиҳ 80 йиллардаёқ кирилл имлосидаги қусурлар ҳақида қатор мақолалар ёзган.

Хусусан, Муҳаммад Солиҳ 1985 йили туркий халқларнинг қадимий Дулбарчин рунний ёзувигача ўтиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида ҳам ёзиб чиққан эди.

Унинг сўзларига кўра, туркий тилга хос сингармония хусусияти лотин алифбосида кўпроқ мужассам.

20 йилларда Совет Иттифоқидаги туркий халқлар вакиллари маслаҳатлашиб лотин ёзувигача асосланган имлони қабул қилган эдилар, кейинчалик Туркия давлати ҳам лотинга ўтди.

«Бу имло Ўзбекистонда 20 йилча ҳукмрон бўлди. Бироқ рус шовинистлари босими остида Ўзбекистон кирилл имлосини қабул қилишга мажбур бўлди», дейди Муҳаммад Солиҳ.

У кирилл имлоси сабаб ўзбек тилидаги сингармония қоидаларининг бузилганини айтади. Бунга мисол қилиб, ўзбек,

қозоқ, қирғиз хонандалари кўшиқ композициясидаги ўзбек матни сўзларини келтиради.

«Ўша ерда, самарқандлик қизимиз менимча, «турк» калимасини «турк» деб гапиради», Бу энди Каримов бизга тақдим қилган лотин имлосидаги сингармония қоидаларининг бузилиши натижаси».

Туркия туркчаси – туркий дунёнинг мулоқот тили

Муҳаммад Солиҳ фикрича, алифболарнинг ўзгариши совет иттифоқи ҳудудидаги маданияти ва тили бир бўлган халқларнинг бир биридан узоқлаштиради.

Шунингдек у туркий тилда гаплашувчи халқларнинг ўртоқ тили сифатида Туркия (ўғуз) лаҳжасидаги тил қабул қилиниши керак деган фикрда.

«Чунки бу тилда кам деганда 120 миллион халқ гаплашади ва ёзади. Бу тил қоидалар анча мукаммаллашган», дейди Муҳаммад Солиҳ.

Қозоқлар тез ўтсин лотинга, Каримов режими ҳатосини такрорламасин

Муҳаммад Солиҳ ўзбек имлосини ислоҳ қилиш йўлидаги Каримов йўл қўйган сусткашлик ва хатоларни бирма-бир санаркан, қўшимча унли ҳарфларни киритиш ва ортиқчаларини олиб ташлашга зарурат борлигини айтади.

«Бундан ташқари, чорак аср бурун биз киритган таклифлар ҳамон ҳаётга тадбиқ этилгани йўқ, ҳамон ким истаса кириллда, истаса лотинда ёзиб юрибди» дейди Муҳаммад Солиҳ.

Президент Назарбоев Қозоғистоннинг кирилдан лотинга 2025 йилгача муддат ичида ўтишини таклиф этмоқда.

Қозоғистон парламентидаги кўпчилик депутатлар қўллаб-қувватлаган бу таклиф, лотин алифбосига босқичма-босқич ўтишни кўзда тутди.

«Каримов режими миллий бир режим бўлмагани учун биринчи ўринда туриши керак бўлган тил масаласини муттасил орқага суриб келди, қозоқлар бу хатоларни такрорламасин, чўзишмасин бу жараённи», дейди Муҳаммад Солиҳ.

Манба: Eltuz.com

Ҳар йили Ўзбекистонда “... фалон тонна наркотик моддалар қўлга олинганлиги, уларнинг бир неча турлардан иборат эканлиги ва оғуларнинг барчаси бир ерга тўпланиб домна печларида ёқиб юборилиши натижасида йўқ қилинаётганлиги” ҳақида хабарлар матбуот, ОАВлари, телевидение орқали тарқатилади. Ушбу тадбирларнинг барчаси махсус комиссиянинг қарори асосида халқаро ташкилотлар, дипломатик корпуслар вакиллари иштирокида амалга ошириляётганлиги кўз-кўз қилинади.

Айниқса, бу ишларнинг амалга оширилишида миллий хавфсизлик хизматининг роли ва ўрнига алоҳида урғу бериб ўтилади. МХХ матбуот ходимларидан бириси ОАВга чиқиб махсус интервью ҳам беради. Буни кўрган, эшитган аҳоли, оддий халқ, бутун жамоатчилик “Ҳақиқатдан ҳам куч ишлатар тизими ходимлари, хусусан, бу МХХчилар кеча-ю кундуз миужа қоқмасдан тер тўкиб меҳнат қилаётган экан-да”, деган хаёлга бориши мумкин.

Аслида ҳам шундайми? Наркотика контрабандаси ҳамда уни мусодара қилиш билан боғлиқ хабарларнинг ростлигига ишонса бўладими?

МХХ соҳасига жуда яқин манбанинг айтишича, бундай ахборотларнинг тўқсон тўққиз фоизи ёлғондан иборат. Хусусан, қўлга олинган гиёҳвандлик воситаларининг қандайдир печларда ёқилаётганлигига доир маълумотлар ҳам ҳақиқатдан мутлақо йироқдир. Негаки, оловга ташлаб ёқилаётган нарсаларнинг устки қисмида номига кўзни шамғалат қилиш учун жуда оз миқдорда қўйилган бўлиши мумкин “анавин”дан, асосий қисми эса наркотикага алоқаси бўлмаган, оддий қуритилган ўт-ўланлар ва қандайдир кераксиз моддалар-ашёлар бўлиши мумкин. Бу – “маскировка”нинг ўзгинаси. Уюм-уюм ашёларнинг асло наркотикага алоқаси йўқлигини сўнгги вақтларда ўшандай тадбирларда қатнашаётганларнинг кўпчилиги яхши билиб қолишган.

Х ў ж а к ў р с и н г а г и н а ўтказиладиган бу “пиар” орқали МХХ ходимларининг ишини республика бўйлаб катта бир хизматни амалга ошираётган қаҳрамонликдек қилиб кўрсатилади. Ҳар йили ўтказилиши зарур бўлган ва анъанага айланиб



НАРКОБАРОНЛАРНИНГ КЎРИҚЧИ-ҲОМИЙСИ КИМ?

қолган тарғибот-ташвиқот усуллари билан бири бу. Шундай йўллар билан жамоатчиликнинг эътибори ва диққати чалғитилади, холос. Аслида эса қўлга олинган наркотик моддалар қанча ҳажмда бўлишидан қатъий назар, Иноятовнинг ўзидан ортмайди. Агар бу оғу хомашё тарзида бўлса, баъзи “авторитет”лар билан шерикчилик асосида Тошкентдан бир неча километрлик масофада узокликдаги ҳудудда ташкил қилинган махфий цехларда нархини бир неча баробар оширадиган қилиб қайта ишланади ва унинг асосий қисми тегишли “манзил”га жўнатилади. Маълум қисми МХХчиларнинг “назар”ига тушиб қолган бечоралардан “жиноятчи” ясаш зарурати туғилиб қолганида (яъни подставка қилиш мақсадида) фойдаланиш учун ажратилади. Бошқа бир бўлаги эса ўзига тўқ, бой-бадавлат ёки юқори лавозимдагиларнинг ўзларини, яқинларини, асосан фарзандларини йўлдан оздириш учун қўлланилади.

Бундайин тадбирлар йил бошиданок қандайдир ном билан аталиши одат тусига кирган. Масалан, у баъзи ҳолларда “қорадори операцияси” деб аталиши мумкин. Бу эса йил бўйи худди шу йўналишдаги тезкор амалиётларга қаттиқ эътибор қилинаётгандек қилиб кўрсатишдек кўзбўямачиликнинг ўзгинаси. Ана шундай нотўғри ва ёлғонга асосланган маълумотларни ёйишдан мамлакатда яқка-ю ягона зулм куч ишлатари бўлган МХХ тизими ва унинг раиси Рустам

Иноятов ҳамда унинг бу ишдаги шерикларигина манфаатдор.

МХХ таркибидаги чегара кўшинлари бу борадаги фаолиятни қаттиқ назоратига олган. Четдан ташиб келиниши мумкин бўлган наркотик моддаларнинг ичкарига олиб кирилиши деярли иложсиз ва имконсизлигини маҳаллий аҳоли беш қўлда билди. Бундан ташқари, яна қанча куч ишлатар тизимлари мавжуд. Хусусан, ички ишлар, божхона, мудофаа вазирлиги ҳам бу борада ўз ваколатлари доирасида фаолият олиб боради. Лекин шу соҳалар фаолияти устидан МХХ аллақачон ўз назоратини ўрнатиб бўлган. Наркотикага оид бирор ахборот МХХ ва унинг рухсатисиз ҳеч бир жойга чиқарилмайди.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари Ботир Парпиевнинг хе йўқ, бе йўқ бирданига Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитасига раис этиб тайинланишида айнан Рустам Иноятовнинг ҳиссаси бекиёс бўлганлигига шубҳа йўқ. Бу икки “босс” шунчаки қуда бўлмаганлигини кўпчиликке ироқ англаб етди. Чунки, чегарадаги фуқаролар ўтиб қайтадиган ҳар бир поstda чегарачилар билан божхоначилар ёнма-ён хизматда бўлишади. Чегарачилар шахсан МХХ раҳбарининг топшириғи асосида ҳафтанинг маълум кунлари тунги соатларда амалга ошириляётган ноқонуний фаолиятдан божхоначилар ҳам хабардор бўлиши табиий. Кийим-

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кечак, озиқ-овқат сингари ашёлар ноқонуний йўллар билан олиб ўтилаётган бўлса, улар учун алоҳида, наркотик савдолар билан боғлиқ “ташима”лар учун эса алоҳида, яъни бошқа-бошқа вақтлар танланган. Айнан шу хусусдаги ўта сирли информациянинг бутун тафсилотлари билан ташқарига чиқиб кетмаслиги учун ҳам бу каби қариндошчилик, куда-андачиликка катта эҳтиёж бор эди...

Албатта, бундайин яқинлик-қалинликнинг икки томон учун ҳам манфаатли, зарур ва муҳим томонлари бор. Хавфсизлик “босс”и Парпиевни божхонага раҳбар қилиб олиб келиш асносида бир ўқ билан икки куёни уришни мўлжаллаган. Бу бир тарафдан ички ишлар вазири Зокир Алматовнинг мавқеини заифлаштириб, ундан қутулиш (чунки, ўша пайтларда Алматовнинг “бой”лар билан алоқаси анча кучли бўлган), иккинчи тарафдан ўз “одам”лари билан амалга ошираётган ноқонуний ишлари, хусусан, наркобизнесга оид сирларнинг махфийлигини таъминлаш асосий мақсад қилиб олинган. Бу борада қудаси билан қандай режалар тузганлиги алоҳида масала...

Миллий хавфсизлик хизматининг раҳбари Рустам Иноятов бир пайтлар наркотик моддалар кириб келиш эҳтимоли энг юқори ҳисобланган, қўшни давлатлар билан чегарадош бўлган Сурхондарёга ўзининг МХХсидан чиққан ходими Тошмирза Қодировни вилоят ҳокими вазифасига тайинланишига эришганди. Аслида ушбу вилоятга ҳоким бўлиб келиши мумкин бўлган бутунлай бошқа бир кадр олдиндан маълум эди. Агар ўша шахс Сурхондарёга раҳбар бўлиб қолганида борми, Иноятовнинг наркотик моддалар контрабандаси билан боғлиқ бизнесига оид кўпгина сирлар фож бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

“Сариосиё воқеалари” ҳам ўз-ўзидан шунчаки содир бўлган табиий-тасодифий ҳодиса эмаслигини вилоятдагилар, қолаверса, республика аҳли ўша онлардаёқ англаб етганди. Ўша пайтда мамлакатдаги ва хориждаги матбуот, ОАВлари, интернетда бу воқеа бошқача талкин қилинганди, яъни “Сариосий воқеалари” террорчиликка боғлиқ, дея бонг урилганди. Аслида эса, ушбу

воқеанинг экстремистик ёки террорчилик ҳаракатларига мутлақо алоқаси бўлмаган.

Қизиғи ва муҳим жиҳати шундаки, тоғ аҳолисининг зийрак қисми ушбу “спектакль-томоша” сценарийсининг асосий муаллифи-Иноятовнинг ўз “одам”лари билан биргаликда бир ҳафта илгари мазкур ҳудудга ташриф буюрганлигидан яхшигина хабардор бўлган. “Сариосиё воқеалари” эса аслида бир йил аввал “сценарийлаштирилган”. Айнан шунга ҳар жиҳатдан дахлдор бўлган сирни деярли бир йил олдин, аниқроғи, 1999 йил 16 февралда Тошкентдаги портлашларидан уч кун ўтиб-ўтмасдан 19 феврал куни Сариосиё тумани миллий хавфсизлик хизмати бошлиғи Гулбой Болиев туман маданият саройида ўтказилган йиғинда қилган маърузасида фож этиб қўйган. Бу унинг ўз маърузасида маҳаллий ҳокимият вакилларига нисбатан ҳужумга ўтиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатида яққол сезилиб қолган ва тортишув-жанжалларга сабаб бўлган. Мажлис ҳақиқий можаро майдонига айланиб, кўчаларга чикилиб, тоғдаги аҳвол ҳақидаги масала анча вақтгача улар ўртасида ўзаро оёқда тик турган ҳолда муҳокама қилинган. Туман миллий хавфсизлик хизматининг бошлиғи Г.Болиев ўзи ҳам билиб-билмасдан тоғли ҳудудда бир йилдан сўнг содир бўлиши мумкин бўлган воқеани олдиндан эҳтиётсизлик қилиб бир учини чиқариб, оғзидан “туллаб” қўйган. Бу маърузаси баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, можароларга айланиб кетганидан кейингина у ўз хатосини сезиб қолган бўлса ажабмас. Худди шу талашув-тортишув, ёқа йиртишгача бориб етган ва шу аснода баъзи сирлар фож бўлиб қолган.

Рустам Иноятовнинг хабарисиз ва руҳсатисиз бир грамм ҳам “ажал оғу”си ташқаридан ичкарига олиб киритилмади ва ичкаридан ташқарига олиб чиқилмади. Темир йўл, ҳаво ва қуруқликдаги транспорт воситалари орқали бу борада амалга ошириладиган барча операциялар шахсан унинг назорати остида олиб борилади. Ҳаттоки махсус давлат рақамидаги автомашиналарда “киракашлик” ниқоби остида ҳам гиёҳванд моддалар шаҳарлараро ташилади ва унинг ҳарбир мисколи-миқдоригача ҳисобда туради. Айниқса, “Тузель” ҳарбий аэродромидан ҳар ҳафта кам деганда бир марабоба

учоқларда маълум манзилларга “юк” юборилади. Бошқа бир маҳсулотлар орасига жойланган йирик миқдордаги наркотикларни шахсан МХХ раҳбари ўз кўзи билан кўриб, “қўриқдан ўтказиб” кузатиб юборади.

Шу боисдан наркокуръер-наркобаронларнинг Ўзбекистондаги фаолияти, бизнесига Миллий хавфсизлик хизмати раиси генерал-полковник Рустам Иноятовнинг ҳам шерикчилик ва қўриқчиликда улкан ҳиссаси борлигини инкор этиб бўлмайди.

Гапимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун британиялик ҳакам Сэр Роберт Оуэннинг 2006 йилда собиқ жосус Александр Литвиненконинг ўлдирилиши юзасидан тергов ҳужжатлари ва натижалари расмий тарзда тўлиқ босилган ва бу ҳужжатларга илова сифатида эхлон этилган “Ўзбек файли”дан олинган баъзи жумлаларни келтирамиз. Шундай қилиб, А. Литвиненконинг сўзидан иқтибослар:

...“Ўша даврларни эсга олган пайтда бошқа бир ғалати ҳодиса ёдимга тушади. Бизнинг бўлимимизга Ўзбекистондаги жинорий гуруҳ бошлиқларидан бири, жиноят оламидаги лақаби “Салим” деганини қўлга олиш буюрилди. Кунлардан бир кун унинг Тошкентдан учиб келаётгани ҳақида оператив маълумот олдик. Бўлимимиз қўлга олиш учун аэропортга отланаркан, мен Вагановнинг олдига кирдим. “Қаёққа бораёпсизлар?”- сўради у.

«Салимини қўлга олиш учун», - дедим мен.

“Кимни, кимни?” – деди-да, Ваганов бурилиб хонасига чопди.

Самолёт қўнди, бироқ ичида Салим йўқ эди. Кейин маълум бўлишича, самолётни ҳавода ортга қайтаришибди. Салим тушиб қолипти. Аниқки, Москвадан кимдир огоҳлантиришга улгурган. Мен Вагановдан шубҳаландим, аммо қўлимда исботим йўқ эди. Ўшанда ўйладим: демак ФСБдаги Ўзбек халқасининг жиноят олами билан алоқалари менинг дўстим Георгийдан олиб турадиган жўн нефт улушларидан кўра чуқурроқ экан.

Орадан кўп ўтмай мен Хохолковнинг ўтмишини чуқурроқ «кавлаштириш»ни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бошладим. Ички Ишлар вазирлиги (МВД)даги манба менга Москва шаҳар РУОПи қўлида Хохолковга қарши "бомба материал" борлигини айтиб қолди. РУОП МВДнинг Жиноий ташкилотларга қарши кураш минтақавий бўлимининг қисқартирилган номи эди. Уша пайтда Москва милиционерлари билан ФСБ оперативниклари виртуал уруш ҳолатида эди: мисол учун бизнинг бўлимимиз РУОПдагилар рэкетчиларни муҳофаза қилиб юргани далилини қўлга киритган эди. Уша кунлардаги муҳитни инобатга оладиган бўлсак,

милициядагилар ФСБдаги одамларга қарши компромат (фошқиладиган) материал тўплаб юрганлари хайратланарли эмас эди. Лекин бу ҳолатда материал оддий эмас эди: манбанинг хабар қилишича, Хохолков Марказий осийлик жиноий авторитетлар билан Россия наркотик бозорини бўлиб олиш муҳокама қилинган тўпланишда ўтиргани видеотасвирга олинган эди.

Афғон наркотикларининг Россияга, ундан кейин эса Шимолий ва Ғарбий Европа бозорларига оқимини Марказий Осийдаги собиқ Совет республикаларидаги бир неча бир-бирига рақиб жиноий гуруҳлар назорат

қилади. 90-йиллар ўрталарида Ғафур исмли жиноий авторитет бошчилигидаги Ўзбек гуруҳи етакчи мавқеъни қўлга киритди.

Ғафур Шимолий Афғонистондаги бангивор ҳосилининг 80 фоизини назорат қиладиган миллати Ўзбек Афғон дала қўмондони билан алоқалари туфайли баланд мавқеъга эришган эди. (...)

(Ушбу жумлалар дохил тўлиқ матнни мана бу манба- линкдан ўқиб, билиб олишингиз мумкин: http://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2016/02/160213_litvinenko_inquiry_uzbek_file)

Хулосани эса зийрак ўқувчига ҳавола этамиз...

АБДУВОРИС САЛОМ

Закот ҳикмати

Бир устозимиз ҳикоя қилган эдилар.

Бир кун, олдимга бир киши закот масаласида савол билан келиб қолди.

"Домла, мен пулимга қўй олиб қўйсам закот бермасам бўлаверадими?" - деб қолди.

Саволини эшитдим у бир нарса ёдимга тушиб кетди. Уша вақтларда Аллоҳ закотга қодир қилган эди. Доим Аллоҳ қодир қилганига ҳамд айтиб закотни шоду ҳуррамлик билан берар эдим. Уша йил ромазонда пулларимни ҳисоб китоб қилдим, қарасам пулим нисобга етмас экан. (Уша йили бир миллион қилиб белгиланган эди) менда эса саккиз юз минг бор экан.

"Ҳай нисобга етмаса ҳам бераверай, Аллоҳ қалбимни кўргувчики, янаги йил яна нисобга етқизсин" деб ният қилиб, пул ажратиб закотни бердим.

Орадан бир оз вақт ўтиб, бир танишим катта партида этик тикиб беришимни сўраб келиб қолди. (Косибчилик билан шуғулланар эдилар) ўша ортирган пулимга қўшиб яна бир оз қарз ҳам кўтардим. Айтилган вақтга, айтилган маҳсулотни қилиб бердим. У танишим Россияга олиб бориб сотишини, пулини ўн беш - йигирма кунда беришини айтиб олиб кетди.

Айтилган муддат ўтди ҳамки танишимдан дарак йўқ. Яхши таниган инсоним бўлгани учун

алдамаслигига амин эдим. Бир ойдан кўпроқ вақт ўтиб, бир аҳволда келиб қолди. Ҳайрон бўлиб нима бўлганини сўрадим.

Россияга кетишда йўлда "рекетларга" дуч келганини, улар молларини талаганини айтиб бердида, бирдан жим бўлиб қолди.

"Ака, мени ажаблантирган бир нарса бор. Рекетлар бошлиғи биздан олган нарсаларни кўздан кечирар экан, қопдаги этикларни сўраб қолди. Этиклар эканлигини билганидан сўнг, мен томонга отиб юбориб "ўзинг бориб қиясан" деди. Очиғи қараҳт бўлиб қолдим. Мана молларингиз" деб оёғим остига ташлади, у гапирар эди, аммо мен хайратдан қотиб қолган эдим.

У йигит мендаги хайратни молимнинг хурсандчилигидан деб тушунди. Аммо мендан кўз ёшлар оқаётган эди. Аллоҳнинг ҳикматини кўриб турган эдим. Закоти берилган молни асраганини ўз кўзим билан кўриб турган эдим. Аллоҳ Ҳаким зот.

Домла шу воқеани айтиб тугатганларида, савол берган одамга нима деб жавоб берганларини сўраб қолдим.

Шунда айтдиларки "модомики, Аллоҳни мақр қилиб алдамоқчи экансиз, сиз қўй олмасдан ҳам бермай қўяверинг. Шунда ўзингизга яхши бўлади дедим" - деган эдилар.

05.04.2016

Sayyid Islom

Манба: facebook.com

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида чет эллик журналистларнинг аккредитациядан ўтказилиши бўйича керакли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон ТИВ раҳбари Абдулазиз Комилов республика ташқи сиёсатининг замонавий босқичи ва унинг долзарб масалалари мавзусида ўтказилган тадбирда тез орада бу бўйича қўшимча янгиликлар киритилиши ҳақида маълум қилди.

BBC Ўзбекистонда аккредитациядан ўтмоқда

«Дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитация қилиш жараёни давом этмоқда. Чет эллик журналистлар сони ортишидан манфаатдормиз», деган Комилов.

Тадбирда иштирок этган «Кун.uz» мухбирининг Абдулазиз Комиловга асосланиб маълумот беришича, айни вақтда BBC нашрини аккредитациядан ўтказиш жараёни олиб борилмоқда.

«BBCнинг аризаси қабул қилинган, аккредитация қилиш ишлари кетмоқда», деган вазир.

Маълумот учун, 2017 йил 3 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қуйидаги хорижий ОАВлар аккредитациядан ўтган:

Arzu Radio TV (Афғонистон)
«ВГТРК» (Россия)
«Anadolu» АА (Туркия)
«Россия сегодня» АА (Россия)
«AzerTaj» АА (Озарбойжон)
«Trend» АА (Озарбойжон)
«Jingji Jibao» АА (Хитой)
«Казинформ» (Қозоғистон)
The Daily Ittehad (Покистон)
Reuters (Буюк Британия)
«TRT» (Туркия)
«BBC Monitoring» (Буюк Британия)
«Интерфакс» (Россия)
«ТАСС» (Россия)
«Sinhua» АА (Хитой)
«Fars news» АА (Эрон)
«Jenmin Jibao» (Хитой).

Манба: kun.uz

Бу йигит Хайрулла Боқижонович Нуриддинов - Ёшлар телерадиоканали директори эди.

Хайрулла ўтган куни бир қизнинг ишқида томирини кесиб, УзМТРКни "қутлуқ қони"га фарқ қилиб юрганди. Самарқанддаги илк мутсақил ТВлардан бири бўлган "STV" телекомпаниясининг асосчиси, "Даракчи" газетасининг соҳиби, нодавлат ТВлар раҳбари, ишбилармон Фирдавс Абдуҳолиқов (Адашмасам, 1999 йилда) УзМТРК раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишга келган куларида Хайруллани "кашф" этганди. Бир сўз билан айтганда, Хайрулла Нуриддинов медиамагнат Фирдавс Абдуҳолиқовнинг "ижод маҳсули".

Тошкентдаги 16 февраль портлашлари, айтиш мумкин бўлса, Хайруллага шухрат келтирди. У портлаш майдонига тасвирга олиш ишларига сафрбар этилди ва шунинг ортидан "Жасорат" медалини бўйнига бўйинтуруқ қилиб қайтди. Маълумки, Фирдавс Абдуҳолиқов ҳозирги президент, илгариги Самарқанд вилоятининг ҳоқими бўлган Шавкат Мирзиёевнинг ғазабига учраб, медиа империяси барбод бўлишига бир баҳи яқолганди. Янаям аниқроғи, адашмасам, 2000 йилда, яъни "Болалар мажбурий меҳнати"га қарши Халқаро ташкилотлар бонг уриб келаётган бир пайтда Россия каналида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманига пахта йиғим-теримига ҳайдалган Самарқанд туман Халқ таълимига қарашли мактабларнинг 6-7-8-9-, 10 синф ўқувчиларининг ташландиқ, зах хужраларда истиқомат қилишга мажбурлиги хусусида 3-4 дақиқали танқидий лавҳа эфир юзини кўрди. Айнан бу пайтда Шавкат Миромонович Самарқанд вилоят ҳокимлиги курсида ўтирарди. Суриштирув ишларидан маълум бўладики, Россиянинг «Рен-ТВ» каналидан пахта йиғим-терими мавсумидаги болалар мажбурий меҳнатига оид мазкур танқидий лавҳага Самарқандлик Солижон Яхёев муаллифлик қилган. Қолаверса, мазкур танқидий сюжетда СТВ телекомпаниясига оид бир кадр ҳам "ғиз" этиб ўтиб кетади. Кейинчалик, аниқлашларича, Солижон Яхёев СТВ телекомпаниясидан учирма бўлган мустақил журналистлардан бири бўлиб чиқади.

Айтишларича, ўша пайтларда Халқаро ташкилотлар болалар мажбурий меҳнатига барҳам беришни Ўзбекистон ҳукуматидан қатъий талаб қилиб келган. Ислон Абдуғаниевич эса мазкур талабларга асосан Вазирлар Маҳмасининг йиғилишида "Бу йил кимда-ким ўқувчини эгатга соладиган бўлса, прокурорлар, икки қулоқларингиз билан эшитиб қўйинг, ўша ҳокимни,

Кооррупциянинг қудрати!

ўша амалдорни пахта даласидан тўппа-тўғри қамоққа элитасиз" деган мазмунда лутф қилганлар. Фирдавс Абдуҳолиқов эса ўша пайтдаги Олий Мажлис депутати сифатида бунингдек "пахта сиёсати" талабидан беҳабар бўлиши мумкин эмасди. Шу сабаб ҳам Самарқанд вилоят ҳоқими Шавкат Миромонович яна қаердан, Россия каналидан ўз музофотидаги болалар мажбурий меҳнатига оид танқидий лавҳа намойиш этилишини ва бу СТВдан учирма бўлган журналист "ташаббуси" эканлигини билгач, мазкур воқеликни, менининг шахсий фикримча, ўзига, яъни Самарқанд вилоят ҳоқими Шавкат Миромоновичга қарши қаратилган бир ФИТНА сифатида қабул қилади. Натижада, СТВ телекомпаниясини прокуратура "босади", кўрсатувлар тақа-тақ тўхтатиб қўйилади. "Даракчи" газетаси фаолиятини давом эттириш масаласи сўроқ остида қолиб кетади. Бу орада Фирдавс Абдуҳолиқов АҚШ каби ҳорижий мамлакатларни "зиёрат" қилиб келишга ҳам муваффақ бўлади. Бироқ Ўзбекистонимизда иложсиз нарсанинг ўзи йўқ. "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади" деган гаплар айнан Ўзбекистон учун айтилган.

Инчунун ишбилармон Фирдавс Фаруддинович қаловини топиб, қорни "ёндиришга" муваффақ бўладики, яна газета бизнеси гуркирай бошлади. Узун қулоқ гапларга қараганда, Фирдавс Абдуҳолиқов бу борада ўша пайтдаги мамлакат президенти Ислон Абдуғаниевичнинг катта қизи Гулнора Каримованинг қанотидан паноҳ топади ва Шавкат Миромоновичнинг ғазабидан омон қолади. Табиийки, медиамагнат Фирдавс Абдуҳолиқовнинг Гулнора Каримова билан яқинлиги 16 февраль воқеаларини "жасорат" билан ёритган "Жасорат" медали соҳиби Хайрулла Нуриддинов келажига ҳам ижобий таъсир қилмасдан қолмади.

Гулнора Каримованинг "Асрлар садоси", "Никоҳ тўйлари"... каби саноксиз тadbирларини офиз кўптириб мақташ, кўрсатувлар орқали элга намойиш этиш, реклама қилиш ортидан бизнинг Хайрулла Боқижонович Нуриддинов яна анчагина ОЧКО тўплаб олишга муваффақ бўлди. Бунинг ортидан УзМТРКда ҳеч ким куни кеча бир кўхликкина қиз ишқида ТВ ҳожатхонасида томирларини кесиб, қонга бўялиб юрган Хайрулла Нуриддиновнинг мушугини "пишт" дея олмайдиган бўлиб қолди. "Ҳа?" дейдиган бўлсангиз, "Гулноранинг одами" деган "нишон"ни кўкрагига қалқон қиладиган бўлди. Худонинг

ишларига ҳам ҳайрон қоламан гоҳи.

Бир нокасга омад берса, уст-устига бераверадими дейман-да! Мана, бугун кўрмайсизми, кечагина Гулнора Каримованинг содиқ хос ходими бўлган Хайрулла Нуриддинов Гулноранинг империяси касод бўлгач, аллақачонлар Шавкат Миромоновичнинг ҳам қўйнига, ҳам ишончига кириб улгурган чамаси, ҳаш-паш дегунча, УзМТРК раисининг биринчи ўринбосари лавозимига кўтарилганига нима дейсиз? Йўқ, мен бироз хато кетдим чамаси.

Бу Худонинг қудрати эмас, менинг назаримда. Хайрулла Боқижонович Нуриддиновнинг "Yoshlar", "Наво", "Болажон" каби телеканалларни кўркаламушдек кемирганлиги ортидан тўплаган дунёсининг, соққасининг қудрати бу омад - раис ўринбосарлиги лавозими! Гулноранинг тadbирини ёритиб чарчамаган Хайрулла кечагина Гулнора Каримованинг "эркатойи", "содиқ кишиси" эди, бугун бир юмалаб Шавкат Мирзиёевнинг лаганбардорига айланди-қўйди.... Ҳа-да, мақтовс Худого ҳам хуш келади дейишади-ку ахир!

.... Бу ёқда эса ҳамкасбимиз, шоир Муҳаммад Исмоил эса «Бош вазир Абдулла Негматович УзМТРКда мажлис ўтказмоқда, айрим УзМТРКни каламушдек кемирувчиларнинг думини тугиб қўяди» деб қувониб ўтирибди.... Мабодо, бош вазир Абдулла Негматович Арипов деганлари шунақанги мард, танти ва ақилли бўлганда эди унинг истейфоси учун норозилик намойишига чиққан икки аёлга - бизга нисбатан кўнглида кек сақлаб ўтирмаган, ишга тикланишимизга монъелик қилмаган бўларди. Зотан, Абдулла Негматович Арипов жанобларининг ўзлари ҳам куни кечагина амал пиллапояларидан қулаб, юзтубан йиқилиб, мағлублик аламини юрагидан ўтказган одамлардан бири эди. Ишдан ҳайдалиш куйининг нақадар ғамгин эканлигини у биздан кўра яхшироқ хис этиши табиий.... Токи амладорларда томоқ бор экан, токи мансабдорларда баднафс бор экан, токи мамлакатимизда Президент эмас, қонун эмас, кооррупция ҳукмронлик қилар экан, дўстим Муҳаммад, беҳудага умидвор ҳам бўлманг, хурсанд ҳам бўлиб ўтирманг....

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА

ЎзМТРКдаги қаллобликлар ҳақида президент Шавкат Мирзиёевдан 6 йил олдин айтгани учун ишдан ҳайдалган журналист

"ERKIN YURT"

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов